# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

15 сон
8-14 апрел 2004 йил


## ОНА ҚУВОНЧИ

Рузвон аянинг хонадони бир зумда ўғил-қиз, невара-чеваралар билан гавжум бўлди.

**- Шундай тез-тез тўпланиб турасизларми? - сўрадим хонадон соҳиби Зоиржондан.**

- Албатта-да, - дейди Зоиржон мамнуният билан. - Кунда бўлмаса ҳам кунора ўзаро учрашиб турмасак, онамиз қўймайдилар. Ҳаттоки, койийдилар. «Меҳр кўзда, барака эса кўпчиликда»,- дейдилар.

- Онажонимнинг бир сўзлари қулоғимда мангу қолган, - дея суҳбатимизга қўшилди Шуҳратжон. - «Ўқинглар, илм-маърифатли одам доимо иззат-икромда бўлади»,-дейдилар. Шу туфайли ўқидим, илм олдим. Мана, энди Гулистон педагогика коллежи раҳбариман. Рафиқам Дилоромхон боғча мудираси.



Шу зайл мен оила аъзолари билан бирин-кетин таниша бошладим. Шириной, Шарофат, Норбуви, Лутфия, Норгуллар аянинг меҳрибон қизлари. Тоҳиржон, Зоиржон, Баҳодиржон, Шуҳратжон, Ҳабибуллоҳжонлар аянинг куч-қувват тоғлари.

Бугунги кунда Рузвон ая Холматова Гулистон шаҳридаги пиру бадавлат оналардан. 10 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, 40 невара, 25 чеваранинг суюкли момоси. Ўғил-қизлар ҳаётда ўз ўрниларини топишган. Эл эъзозлаган касб-ҳунар эгалари. Шу боис ҳам бу оила Гулистон шаҳридаги энг намунали оилалардан.

- Худога шукр, болаларим мени тўрга ўтқазишади, - дейди Рузвон ая ифтихор билан. - Энди Тангрининг ўзи уларни ёмон кўзлардан асрасин.

Бу хонадон аъзолари билан хайрлашиб, ортга қайтарканмиз Рузвон аяга фарзандлари бахти учун доимо омон юришларини тилаб қолдик.

**Эркин БОШБЕК ўғли**
**Сирдарё вилояти**

*Ибратли оилалар*

## ОТАЖОНИМ – МЕНИНГ БАХТИМ



Ҳаётимиздаги азиз ва мўътабар зот- отажоним юнон-рум кураши бўйича Самарқанд терма жамоаси сардори, Республикада хизмат кўрсатган устоз Толиб Назаров ҳақида юртдошларимизга ҳикоя қилмоқчиман.

Отам 1979 йилдан бери Республика олимпиада резервлар тайёрлаш мактаб-интернатида юнон-рум кураши бўйича мураббий бўлиб ишлаб келади. Хизмат кўрсатган спорт устаси. Бор куч ва билимини ёш спортчи болаларга бағишлайди. Шогирдларининг кўпчилиги хизмат кўрсатган спорт устаси унвонига сазовор бўлишган.

Бобомурод Шоназаров, Григорий Пуляев юнон-рум кураши бўйича олтин медал соҳиби. Шогирдлари Баҳодир Қурбонов, Шамсиддин Худойбердиев, Нодир Қосимов ҳам спортнинг бу турида катта ютуқларга эришиб келмоқдалар. Акам Эркин Назаров ҳам спорт устаси.

Бизнинг қишлоғимиздан жуда кўп ақлли, ҳурматга сазовор кишилар етишиб чиққан. Шулардан спорт интернати директори раҳматли Амриддин Субҳонов ҳам дадам билан бирга ишларди. Дадамга отадай ғамхўр эди. Самарқандда бўлиб ўтадиган мусобақаларда у киши ҳам бош-қош бўларди. Амриддин ака ҳар доим «Толибжоннинг бу эришган ютуқларида келиннинг хизмати кўп»,-дерди. Ойижоним уйимизга дадам бошлаб келган меҳмонларни иззат-икром билан кутиб олиб, ҳурмат билан кузатади. Самарқандча паловлар қилиб беради.

Энг яхши тилакларимни сизга ва онажонимга бағишлайман, отажоним менинг бахтим!

**Феруза НАЗАРОВА**
**Самарқанд шаҳри**

## ФАОЛ ВА ЗИЙРАК БЎЛАЙЛИК!

Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитасининг навбатдан ташқари XIX Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ва жонкуяр фаоллари, кўпни кўрган онахонларимиз, опа-сингилларимиз мамлакат тинчлиги, фаровонлиги йўлида ҳар доим зийрак ва огоҳ бўлмоқлари лозимлиги таъкидланди.

«Меҳр ва мурувват йили»да хотин-қизлар қўмиталари, оилалардаги соғлом муҳитга, аёллар, болалар ва ногиронларнинг ҳол-аҳволига асосий эътиборни қаратишлари лозимлиги қайд этилди. Йиғилишда шаҳру қишлоқлар, маҳаллалар, ҳовли-жойларни кўкаламзорлаштириш ишлари борасида ҳам хотин-қизлар қўмиталари бош-қош бўлишлари лозимлиги ҳақида гап борди.

*Ахборот*

## ОИЛА, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекснинг йиғилиши бўлиб ўтди. Комплекс йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова бошқарди.

Йиғилишда қуйидаги масалалар муҳокама қилинди:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда комплекс тасаррруфидаги ташкилотларнинг 2004 йилнинг I-чораги давомидаги фаолият натижалари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури"нинг 2004 йилнинг I-чораги давомида бажарилиши тўғрисидаги;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳр ва мурувват йили" дастурининг 2004 йил I-чораги давомида бажарилишининг бориши тўғрисида;
- Оилаларда, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

Кўрилган масалалар юзасидан муҳокама ва мунозаралар бўлди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз**




## Турсунбой Адашбоев

### ШУНҚОР БЎЛСА...

*Қамбар бобо чавкар отин,
Емлаб қараб,
Ёлин тараб
Чўмилтириб
Тушунтирар Ўшдан келган
Ҳошимжонга
Қосимжонга:
- Бу қуюшқон, унга афзал
Ўмулдуруқ.
- Буниси-чи, белбоғ эмас,
- Босми айил,
Яша, қойил!
Кумуш юган, сувлиққа мос
Бирлашади.
Тизгин эса бедов билан
Сирлашади.
Бу узанги-поғонали
Пиллапоя.
Отга минсанг, ўта қулай
Зинапоя.
Гилам - ёпқич, тахти - равон,
Эгар дерлар.
Ғиркўкдайин тулпор бўлса,
Шунқор бўлса,
Чавандознинг боши кўкка
Тегар дерлар.
...Қамбар бобо суҳбатини
Тиндириб.
Набиралар билмаганин,
Билдириб.
Икковини чавкарига
Миндириб.
Қарчиғайга қамчи урди.
Елдириб...*

### ВЕЛОСИПЕДНИНГ АРМОНИ

*Бундан бир йилча аввал
Чопар эдим пилдираб.
Чордоқда ётар ҳозир,
Занглаб учқур ғилдирак.
Сардорбекнинг дастидан
Чиқиб кетган анжирим.
Олапарга бўйинбоғ
Айни кунда занжирим.
Қўнғироқ, ойнагимни
Синдирган, бузган патлаб.
Холис хизмат қилардим,
Минганда эҳтиётлаб.
Чархим турар қозиқда,
Таноб ташлаб ўзича.
Эгаримнинг устида,
Бола очар мусича.
Сардорбекка ишониб,
Кўрганларим шумиди?
Абдурасул абжирроқ.
Ўшандан бор умидим...
Қайта мени созласа,
Қадди-бастим кўтаргум.
Бир тулпорнинг хизматин,
Мен бемалол ўтардим...*

### ТЎҒРИ ТАКЛИФ

*Нилуфархон ўзича,
Дадасининг кўзича
Укаси Умидадан
Сўради:
- Ойимиз олиб келган,
Думалоқ гилос нусха,
Жами юзта,
Шоколадга
Биз яна юзта қўшсак,
Қанча бўлади?
- Анча бўлади!
- Йўқ-йўқ, ўйла бошқатдан
Жамлаб қара,
Нечта сана?
- Опажон сизга айтсам,
Ўйланиб ўтирмасдан
Яхшиси, ейиш керак...*

### ТАНДИРЧИ

*(Устоз Турдиали ЖАЛИЛОВни хотирлаб)*

*Ўсмирлик, ёзги таътил ёдга тушар,
Гап кетса, Ҳазратишоҳ борасида.
Бу гўша, қутлуғ макон ўрин олган,
Бўзбу билан Ўнгор тоғ орасидан.*

*Саратон, сувхон ўрик авжи пишган,
Қимизак олмадан кўзинг яшнайди.
Соз тупроқ лойини Абжалил бобо,
Хамирдай қоради, эшиб ташлайди.*

*Қўйнинг тивитларин Турдиали акам,
Сомондай сепади - хамиртурушга.
Бобонинг қўлида ўйнар тахтакач,
Тандирни айланиб, кирар хурушга.*

*Пешинни ўқигач, Абжалил бобо,
Лўвак лойни ўтказади кўрикдан.
Бу орада кўзни қилиб шамғалат...
Мазза қилиб, еймиз сувхон ўрикдан.*

*Эшакка қўм ургач, буёғи тайин,
Четан аравада тупроқ ташилар.
Сўнг, бизга бош бўлиб Турдиали акам,
Шаршарага чўмилгани шошилар.*

*Комил инсон, дилбар муаллим оғам,
Ўрганган ҳунарин ташвишин ерди.
- Отамнинг касбини унутсам укам,
Қорним насибага тўймайди дерди...*

### ҚУДРАТ ҲИКМАТНИНГ ДАЪВАТИ

*Устоз доим елкам оша,
Қарагандай бўлади.
Машқларимнинг туроқ, вазнин,
Санагандай бўлади.*

*- Сен қаламга олган мавзу,
Болаларбоп, янгими?
Ҳисобга ол, кичкинтойнинг,
Қизиқишин, онгини.*

*Момоларга, боболарга,
Қўйиб бер насиҳатни.
"Қўлга сув қуй",-деган сўзни,
Шоир ёзмоғи шартми?!*

*Ҳар бир шеърнинг китобхоннинг,
Идрокини чархласин.
Она юртнинг қадрин англаб,
Ардоқласин, фарқласин.*

**Б**аҳорнинг бетакрор ёмғирли кунлари эди. Бир дугонамнинг таваллуд кунида уйига меҳмон бўлиб бордим. Зиёфат жуда яхши ўтганди. Аммо, кеч тушиб қолганини сезмай қолибман. Уй бекасининг: "Ётиб кета қолинг",- дейишига қарамай, қайтишга қарор қилдим. Йўлда "Тико" машинасини тўхтатдим. Кира ҳақини келишиб олгач, машинанинг орқа ўриндиғига ўтирдим. Ёмғир челаклаб қуярди. Шунда ҳайдовчи: "Шаҳарнинг чет йўлидан ҳайдасам майлими, йўл яқин, ёнилғи ҳам тежалади", - деди. Мен қарши эмаслигимни айтдим. Кимсасиз йўлда, бемаҳалда мен тенги бир аёл шошганча кетиб борарди. Машинани кўриб қўл кўтарди. Уни кўриб, ҳайдовчига: "Ака, машинани тўхтатинг, шу аёлни олиб кетайлик, бемаҳалда ёмғирда увиб кетибди", - дедим. У: "Э, қўйинг-э, шошиб турибман, қолаверса, у ким, қанақа аёл, билмайсиз-ку?",- деса бўладими. - "Илтимос сиздан, кимлигимни, қаердан эканлигимни обдон суриштирди. Мен бўлсам, борини рўй-рост сўзлаб кетардим. Биз узоқ юрдик. Эримнинг аммасини уйини билганим учун, ҳайрон бўлдим. Чунки, биз бошқа йўлдан кетиб борардик. Ҳайдовчи: "Ҳозир, бензин олай", деб машинасини бир жойда тўхтатди. Қанақадир уйдан 30-35 ёшлардаги бир йигит чиқиб машинага ўтирди. Биз яна йўлга тушдик. Тушиб кетай десам, бу жойларни тушимда ҳам кўрмаганман. Ҳайдовчи юз кўринишидан ёмон одамга ўхшамайди. Бир маҳал, кимсасиз, яйловга ўхшаш жойда машинани тўхтатиб, у ер, бу ерини ковлаган бўлди. Худди шу пайтда у машинанинг номерини ечиб олган экан. Сўнгра, менга юзланиб: "Тилло узукларни еч",- деса бўладими? Ота-онамдан қолган иккита тилла узугим бор эди. Доим тақиб юрардим. Ўша узукларимни, мени қўрқитиш йўли билан икки барваста эркак тортиб олишди. Сўнгра мени дала ўртасида тушириб қолдиришди-

# БУНДАЙЛАРДАН



# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

тўхтатинг. Ким бўлса ҳам, аёл-ку, олиб кетайлик", - дедим. Ҳайдовчи норозилик билан менга бир қараб қўйди-да, машинани тўхтатиб, орқага ҳайдади.

Аёл машина эшигини очиб, шаҳаргача олиб кетишни илтимос қилди ва ёнимга ўтирди. Йўл-йўлакай секин аёлга разм солдим. Бошидаги рўмоли ивиб кетган, юз-кўзидан йиғлаганлиги сезиларди. Шаҳаргача жим кетдик. Уйга яқинлашгач, машинани тўхтатдим. Ҳайдовчи ёнимдаги аёлга: "Сиз қаерга борасиз? Мен мана шу жойдан қайтиб кетаман", - деди. Аёл ноилож тушди. Мен қўлимда шамсиям йўқлиги сабабли, уйга киришга шошдим. Сўнгра бирдан ҳалиги аёл эсимга тушиб, унга ўгирилдим. Хуллас, нотаниш йўловчи аёлни уйга таклиф қилдим. Аввалига аёл иккиланди, сўнг рози бўлди. Уйга киргач, иссиқ чой ичиб, овқатландик. Аёлга савол беришдан чўчиб тургандим, унинг ўзи тилга кириб қолди:

- Асли ғаллаоролликман. 9 ёшли ўғлим бор. Жиззахга эримни ахтариб келгандим. 15 кундирки "Ишлаб келаман",-деб кетган эримдан дарак йўқ. Бугун тонгда туриб, таниш-билишларникидан роса изладим. Эрим устачилик қилади. Топиш-тутиши яхши. Хуллас, эримни тополмагач, балки қишлоққа-аммасиникига кетгандир, деб, ўша ерга бормоқчи бўлиб, автобус бекатига боргандим. Автобус кутиб турсам, бир енгил машина келиб тўхтади-да, ўрта ёшдаги бир одам "Фалон қишлоққа кетувчилар борми?" - деб қолди. Борар манзилимни айтгани учун ўша машинага чиқдим. Буни қарангки, ҳайдовчи бошқа одам олмасдан машинани ҳайдаб кетди. Мен бир ҳайрон бўлдим, бир чўчидим. У менинг да, ўзлари "қуён" бўлишди. Оқ рангли «жигули» эди... Қўрққанимдан карахт бўлиб қолдим. Бир амаллаб юриб катта йўлга чиқиб олдим. Мана кўриб турганингиздек, қаршингизда борбудимдан айрилиб, хўрланиб турибман",-дея, аёл узоқ йиғлади. Менинг назаримда аёл аҳлоқсиз, ёки "кўча аёли"га ўхшамасди.

"Энди ота-онамга, эримга нима деб, айтаман?", - дерди йиғидан ўзини тиёлмай. Мен эса: "Ўзингиз соғ-омон қутулибсиз, шунисигаям шукр қилинг",- дедим. Эрталаб аёлни кузатиб юбордим. Кун бўйи бу воқеа хаёлимдан кетмай юрди.

Ўша икки барваста эркак тилла узукларни нима қилди экан? Балки, болаларига бу ҳаром пулга луқма олиб едиришдимикин? Уларни ҳам она туққанмикан ёки осмондан тушишганмикин? Ота-оналари ҳаром билан ҳалолнинг, меҳнат билан қабиҳликнинг фарқини ўргатмаган экан-да?

Содда, ҳимоясиз аёлни қўрқитиб, тақинчоқларини олган ЭРКАКлар - ўша дамда ўзларининг қизи, хотини ёки оналарини ўйламадимикин? Бундай номард эркаклар бор экан, билиб-билмай ҳар қандай машинага ўтириш ҳам хавфли эканлигини унутмайлик.

Атрофимизда турфа хил одамлар бор, кўриниши яхши, басавлат. Аммо, қандай нияти борлигини билиш қийин. Бундай қора ниятли кимсалардан жамиятни тозалаш, яхшилик, савобталаб ишларни қилишнинг вақти-соати келмадимикин? Яхшилик қилиш, біровнинг оғирини енгил қилиш, имкон қадар савоб ишларни бажариш, афсуски, ҳар бир инсоннинг қўлидан ҳам келавермайди.

Азиз юртдошлар, сиз бу воқеага, бундай номард эркакларга қандай муносабат билдирган бўлардингиз?

**Муҳайё БЕРКИНОВА**
**Жиззах шаҳри**

Унинг бегуноҳ фарзандига ёмонлик соғинмаганман.



# НИЯТИМ ҲАМ ИШҚИМ КАБИ ПОК ЭДИ



- Менинг ҳаётимда муҳаббатга ўрин бўлмаса керак, севиб-севилиш менга армон бўлиб қолса керак, деб ўйлар эдим. Йўқ, адашган эканман. Бундан 3 йил олдин, яъни 15 ёшимда тасодифан телефон орқали Диёр деган йигит билан танишиб, бу танишув дўстликка кейинчалик эса муҳаббат муносабатларига айланиб кетди.

*Ўзини Нозима деб таништирган бу қизнинг сўзлари мени ажаблантирди:*

**- Нима сабабдан "севиб-севилмасам керак" деган тушкун кайфиятда эдингиз?**

- 1-гуруҳ ногирониман, қўлтиқтаёқда юраман...

*Ноўрин бўлса-да, сўрашга мажбур бўлдим:*

**- Диёр қандай йигит эди? Яъни соғломмиди?**

- Ҳамма гап шунда-да, у келишган, кўркам, соғлом йигит. Менинг ҳолатим унда ҳеч иккиланиш пайдо қилмас эди. Доим: "Сени албатта бахтли қиламан. Сен ҳам бошқалардек оила қуришга, бахтга лойиқсан", деб кўнглимни кўтарар, унинг самимий сўзлари менга умид бағишларди. У билан танишганимдан кейин умуман бошқа одамга айландим. Ҳар бир куним маъноли, руҳим тетик эди. Чунки мен дўст, сирдошга муҳтож эдим. Ногиронлигим ва шу ногиронлигимнинг орқасидан дадамнинг ойим иккимизни ташлаб кетганлари мени одамови, айни пайтда, ёшимга нисбатан анча улғайтириб қўйган эди. Диёр билан танишувим эса, ҳали айтганимдек, ҳаётимда муҳим бурилиш ясади...



**- Муносабатларингиздан унинг ва сизнинг яқинларингиз хабардормидилар?**

- Ойим қарши бўлди. Диёр эса «уйдагиларимни ўзим кўндираман», деб ишонтиргани учун ойимнинг қаршиликларига парво қилмасдим. Ишга кетганида бувимдан яшириниб учрашувга чиқар эдим. Диёр билан соатлаб гаплашиб, унинг илиқ гапларидан "еттинчи осмон"да учиб юрардим. Аммо бир куни ойим мени жуда қаттиқ койиди. Мен: "Барибир учрашувга чиқавераман, фақат уни дейман", деганимдан сўнг бир тарсаки туширди. Ойимнинг бундай муомаласини кўрмаганим учун, аввал карахт бўлиб қолдим, сўнг жаҳл билан уйдан чиқиб кетдим. Тўғри Диёрнинг ишхонасига бордим. Тақдир мен билан ўйнашмоқчи бўлдими, ёки тасодифми, билмадим, не кўз билан кўрайки, у ишхонаси зинапоясида бир чиройли қиз билан қўл ушлашиб, гаплашиб турган экан. Аввал ёмон хаёлга бормай, ўзимни босай деб кутиб турдим. Улар нима ҳақдадир завқ билан гаплашишар, кулишар эди. Чидай олмадим. Қўлтиқ таёғимни жаҳлим билан, қаттиқ-қаттиқ дўқиллатиб тўғри уларнинг олдига бордим. Диёр менга аввал кўзларини катта-катта очиб қаради, сўнг афти бужмайиб, кўзлари қисилди... "Нима қилиб турибсиз, Диёр ака?" Оғзимдан чиққан биринчи саволим шу бўлди. Шу пайт Диёрдан олдин қиз тилга кирди: "Ким, бу чўлоқ?" (у жуда гўзал эди) Қоним қайнаб қўлтиқ таёғимнинг учи билан унинг елкасига бир туртиб: "Бу чўлоқ сен ўзингни яхши кўрсатмоқчи бўлиб турган Диёрнинг севгилиси бўлади", деб юбордим. У қиз қўлтиқтаёғимни сумкачаси билан бир урди. Қолганини билмай қолдим. Уришиб, юлишиб кетдик. Тўсатдан Диёрнинг юзимга туширган тарсакисидан ўзимга келдим. Нафақат ўзимга келдим, 3 йилдан бери учиб юрганим "еттинчи осмоним"дан "тап" этиб ерга қуладим. Катта кўчага чиқиб, йўл четидан "дўқиллаганча" бошим оққан томонга кета бошладим. «Уйга бормайман!» деб аҳд қилдим. Кун кеч бўлиб борарди. Беихтиёр бир машинага қўл кўтардим. Тоғамникига бормоқчи эдим. Кўчага кам чиққаним учун, унинг уй манзилини ҳам билмасдим. Шунинг учун ўрта ёшли ҳайдовчига: "Бир кунга уйингизда қолсам майлими, амаки", дедим. У тезда жавоб бермади. Бир пас менга қараб турди-да, раҳми келдими, ишқилиб: "Майли, қизим, бошингга бирор иш тушганга ўхшайди", деди ва мени уйига олиб борди. Хотини, 3 та фарзанди бор экан. Мени яхши кутиб олишди. Бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида уларга гапириб бердим. Эру хотин менга яхши маслаҳатлар беришди. "Балки у бирга ишлайдиган қиздир, уларнинг орасида сиз ўйлаган муносабат йўқдир. Диёр чиндан ҳам сизни яхши кўрса, кўнглини ноўрин оғритган бўлманг яна",-дейишганидан сўнг, эртасига яна унинг ишхонасига бордим. Аммо мен кутган натижа бўлмади. Диёр мени кўриши билан қовоқлари уюлиб: "Нимага келдинг? Кет! Йўқол! Сени ҳеч қачон севмаганман, севмайман ҳам. Бу шунчаки бир ўйин эди, холос. Сенга соғлом йигит тугул, тўшакдан туролмайдигани ҳам У Й Л А Н М А Й Д И!"-деди. Унинг охирги сўзлари менга жуда узоқдан эшитилди, гўё. Кўзимни очсам касалхонада ётибман, тепамда ойижоним кўз ёш тўкиб ўтирибди. Бўлиб ўтган воқеалар тушимда рўй берган бўлишини хоҳласам-да, бу ҳақиқат эканлигини юрак-юрагимдан ҳис этиб, қаттиқ эзилдим. Ишончимдан, орзуимдан, муҳаббатимдан, Диёримдан бир умрга айрилганимни тушундим. Вақтида ойижонимнинг гапига кирмай, уларга қарши иш қилганимдан афсусландим. Бир ой ўзимга келолмай юрдим. Йўқ, вақт ҳар нарсага даво экан. Ўқишга кирдим, ҳозир ўзим яхши кўрган касбим бўйича таҳсил олаяпман. Тикувчилик сир-асрорларини ўргандим, қандолатчилик курсида ҳам ўқиб олдим.

**- Диёр тўғрисида кейин сўраб-суриштирдингизми?**

- Уйлангани, фарзандли бўлгани тўғрисида бир ўртоғи айтган эди, "бахтли бўлсин" дедим. Уни унутолмаган бўлсам-да, ўзимни унутгандек тутаман, бошқа нарсаларга чалғишга ҳаракат қиламан. Бир куни ўқишдан қайтаётсам маҳалламиз бошида Диёр турган экан. Юрагим ҳаприқиб кетса ҳам, ўзимни бепарво тутдим, кўрмасликка солиб ўта бошладим. "Нози, бир дақиқага тўхта, гапим бор",-деди. Савол назари билан унга қарадим. Мендан кўзини олиб қочганча гап бошлади: "Кечир, мени. Сенинг кўнглингни оғритдим... Жуда афсусдаман. Уйланганман... Қаттиқ қарғаган экансан шекилли, фарзандим оёғини босолмаяпти... Бормаган дўхтиримиз, кўрсатмаган табибимиз қолмади. Илтимос, мени кечир. Менинг гуноҳим ўғлимга урибди, шекилли..." Мен ўша пайтда жуда ноқулай аҳволда қолдим. Ахир мен ҳеч қачон унга, айниқса унинг бегуноҳ фарзандига ёмонлик соғинмаганман, тиламайман ҳам. Унга ҳеч нарса демай уйга кириб кетдим. Бирданига бирор нарса дейиш ҳам мушкул эди-да. Опажон, мен нима қилишим керак эди? Тўғри, менинг кўнглимда илинж уйғотиб, соғлом инсон билан яшашим мумкинлигига ишонтирган, муҳаббатимни қозониб, сўнг уни эрмак қилган йигитдан ранжиганман, нафратланганман ҳам. Аммо унинг бошига мусибат тушишини сираям истамаганман. Боласининг ногиронлигида наҳотки мен айбдор бўлсам? Мен Диёрдан ажралган бўлсам ҳам, юрагимда умид-ишончларим қайта уйғонди-ку!? Мен соғлом инсонга турмушга чиқаман деб орзу қиламан. Ишонаман ҳам. Бунга ҳаққим бор-ку, тўғрими, опажон?

**- Албатта, синглим. Дунёда ҳар бир инсон бахтли бўлишга лойиқ. Фақат бу бахт ўзгалар бахтсизлиги, ўзгалар норозилиги туфайли қўлга киритилмаслиги керак. Нозима, ҳаётда кўп қийинчилик кўрган ойингизнинг сўзларига вақтида қулоқ солганингизда ўзингиз ҳам, бошқалар ҳам азият чекмас эди. Инсон ҳаётда иложи борича ўз ўрнини тўғри топса, ўз тенги, ўзининг дунёқарашига мос бўлган инсон билан дўстлашса, севишса бу муносабатлар мустаҳкамроқ, қадрлироқ бўлади, деб ўйлайман. Ҳар ҳолда, бу менинг шахсий фикрим. Азиз мухлислар, балки сизда бошқа фикр бордир? Бу хусусдаги мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.**

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

*Қўнғироқларингиз...*

# ДЎСТ БЎЛИШ МУМКИН, АММО...

**Манзура исмли қиз: "Сизларга айтмоқчи бўлган муҳим гапим бор эди",-деганида аввалига ажабландим. Овози жуда ташвишли эди.**

- Телефон орқали бир йигит билан гаплашиб, танишиб қолдим. У билан кўришмасак-да, самимий суҳбатлашиб турардик. Кунларнинг бирида учрашдик. У мендан анча ёш катта, жиддий ва келишган йигит экан. Баъзи бир масалаларда ундан маслаҳат сўрайдиган ҳам бўлдим. Комил ака жуда одобли ва ҳурмат билан муомила қиларди. Бу шунчаки дўстлик эди, холос. Ҳар ҳолда мен шундай деб ўйлардим. Аммо...

**- У сизга муҳаббат изҳор қилгандир...**

- Тўғри, ёш йигит ва қизнинг муносабати охири шундай бўлади кўпинча. Лекин, менинг кўнглимда бундай туйғудан асар ҳам йўқ, ўқишимга берилгандим. Бир куни шу ҳақда Ҳакима деган дугонамга гапирдим. У мени ҳайрон қолдириб Комил акани танишини айтди. Ва йигит ҳақида бўлмағур гапларни гапира бошлади. "Мен у йигитни танийман. Сен ҳақингда ҳам анчагина бўлмағур гапларни гапириб юрибди. Қизларни лақиллатиб юрадиган одати бор. Сени ҳам алдаб кетмасин яна",-деди.

**- Сиз дугонангизнинг сўзларига ишондингизми?**

- Ишонсам-ишонмасам-да, мен Комилжон ака билан шунчаки дўст эдим, холос. Орамизда бошқа нарса бўлиши мумкин эмасди. Чунки, ўз туйғуларимни биламан ва қадрлайман. Орзуимдаги муҳаббат бутунлай бошқача, ахир.

**- Сиз орзуингиздаги севгингизни учратганмисиз?**

- Йўқ! Фақат шуни биламанки агар уни учратсам... Эҳтимол у билан хотиржам, турмушнинг майда-чуйда ташвишлари ҳақида Комилжон ака билан гаплашганимдек гаплашмасдим. Муҳаббат тасаввуримда бир нигоҳ билан кўнгилни жизиллатиб юборса керак. Бу туйғуни жуда муқаддас деб биламан. Агар инсон севилса буни унутиб бўларканми?

**- Унда Комилжон билан муносабатингиз...**

- Ахир қиз билан йигит шунчаки дўст бўла олмайдиларми? Мен бор-йўғи самимий муносабатдаман. Шунга жаҳлим чиқадики, йигитлар билан сал сирлашиб, ёки дўстона муносабатда бўлиб қолсак, орадан кўп ўтмай севги изҳор қилишади. Дугонам эса иложи борича Комилжон акани менга ёмон кўрсатгиси келаяпти. Эҳтимол орамизда севги бор деб ўйласа керак.

**- Комилжон нима деяпти бу ҳақда?**

- Чиндан ҳам дугонамни аввалдан танишини айтди. Лекин шунчаки таниш эмиш. Бу гаплардан безиб кетганимдан кейин Комилжон ака билан гаплашмай қўйдим. Шахсий ишларим, ўқишим мен учун ҳаммасидан ҳам муҳимроқ, булар эса бекор гаплар, деб ўйладим. Шунга ҳам уч ойдан кўпроқ вақт бўлганди. Бу вақт ичида эса Комилжон акани яқин дўст сифатида ҳам эслаганим йўқ эди. Аммо...

**- Яна учрашиб қолдингизми?**

- Йўқ, яқинда қўнғироқ қилиб қолди. Чунки мен ҳеч қачон унга ўзим қўнғироқ қилмасдим.

**- Нима учун, кечирим сўрадими?**

- Яна ўша гаплар... Мен эса энди безовта қилмаслигини сўрадим.

Кейин яна ўз муаммоларим билан банд бўлдим. Бир куни эса яна қўнғироқ бўлди. Қарасам бир нотаниш йигит... Аввалига ҳайрон бўлдим. Лекин сир бермасдан яхши гапириб телефон рақамимни кимдан олганини сўрадим. У бир қиздан олганлигини ва унинг исмини айтди. Бу эса Ҳакима эди. Жаҳлим чиқди, хафа бўлдим.

**- Дугонангиз билан гаплашиб олмадингизми?**

- Гаплашмагандим. Аммо, яна бир йигит қўнғироқ қилиб қолди. У ҳам телефон рақамини Ҳакима берганини айтди. Шуни эшитиб алам қилганидан йиғлаб юбордим. Ахир у телефоним рақамини шаҳардаги ҳамма йигитларга бериб чиқиши мумкин-ку? Кейин нима бўлади? Ота-онам, оила аъзоларимнинг олдида нима деган одам бўламан, ахир? Энди бориб Ҳакима билан жанжал қилайми ёки ота-онамга унинг қилмишларини айтиб берсаммикан? Бирор маслаҳат берсангиз, деб қўнғироқ қилаётгандим. Унинг оиласидагилар газетангизни ўқишадида, балки Ҳакима ҳам бир хулоса чиқариб олармикан?

Ушбу қўнғироқ бир воқеани эслатди менга. Таҳририятимизга келган бир келинчакнинг ҳаёти айнан шундай бир машъум қўнғироқ сабабли бузилиб кетди. Ўртада ширингина бир қизалоқ сарсон бўлиб қолди. Келинчакнинг дугоналаридан бири унинг эрини аввалдан ёқтираркан. Йигит эса унга қарамасдан унинг дугонасига уйланибди. Ҳасадгўй дугона бир таниш йигити орқали эркакка,- "Хотининг билан ҳозир ҳам учрашиб турамиз",-дея қўнғироқ қилдирибди. Бу гап улар ажрашиб, эркак бошқага уйланиб кетганидан кейин ошкор бўлади. Бироқ вақт ўтганди.

**Синглим Манзура! Сиз дугонангизнинг бу қилмишини унинг уйидагиларига ёки ота-онангизга айтиб орани очиб олинг. Акс ҳолда... Тағин турмушга чиққанингиздан кейин ҳам бу ноўрин қилиқ давом этиб, оилангиз бузилиб кетмасин. Мана шундан эҳтиёт бўлинг. Дугонам, дея ҳар бир гапни ўзгага айтишдан эҳтиёт бўлинг. Ахир "Одамнинг оласи ичида",-деб бекорга айтишмаган.**

**Басира САЙДАЛИЕВА**

# КЕЛАЖАККА УМИД – БАХТ НИШОНАСИ

**Масрурахон**нинг саргузаштларини ўқиб дилим ранжиди, келин бўлиб тушган хонадонингиздагиларга нафратим қўзиди. Ахир, ота-онангиз: "Бахтидан масрур (қувониб) яшасин", - дея исмингизни яхши ният билан Масрура қўйишган экан.

Аммо туҳматчиларнинг иғвосидан панд еб: "Бахтли яшаб юрувдик. 2 ўғлимиз бор. Қайнонам онам тўғрисидаги гапни кимдандир эшитиб қолибди. Уйда ким касал бўлиб қолса, иши юришмаса мендан кўра бошлашди", - дея зорланибсиз.

2 хонали дом олиб, алоҳида яшасанглар ҳам тинчимабсиз. Қайнонанинг ўғлига заррача бўлса ҳам меҳри бўлса, телефонда сизни уйга келмаслигингизни айттирмас, эдида! Шу ҳам инсонийликми?

Қайнонанинг бу қилмиши ўзимнинг дунёларга бергусиз муштипаргина қайнонам Фотимабиби онагинамни қайта кўз олдимга келтирди.

Шўрлик Масрура эри болаларини олиб онасиникига кетса, бир ўзи бошини хам қилиб домда қолаверакан. Чидамингга, сабр-тоқатингга балли, қизим! Эзгуликнинг кечи йўқ, бир кун юзага чиқасан. Лекин Масруранинг эридан хафаман. Ҳар бир эр онасини ўнг қўлига, аёлини чап қўлига тутмоғи даркор. Ноҳақ бўлса ҳам ўзининг субутини кетказиб онага ён босавериш, Оллоҳга хуш келмаса керак, менимча. Ўрни келганда ётиғи билан онага камчилигини тушунтириш ҳам одоб.

Бутун бошли оилани пароканда қилаётган қайнона, дилим тубидаги гапларимни тинглаб, хулоса чиқариб эпақага келсанг ажаб эмас:

*Оппоқ гуруч ичра курмак мисоли,*
*Тишни синдиради бебурд қайнона.*
*Келин ҳаётига заҳар солмаса,*
*Қизим деб қараса бўлиб парвона.*

### "Ўз уйимда бегонадекман" - 7-сон, 2004 йил

**ЭСЛАТМА: Болалигимда онамни фол очади, деб гап тарқатишганди. Турмушга чиққанимдан кейин бу гапни қайнонам ҳам эшитди. Мени "Илму амал қилади",-дейишиб ошхонага йўлатмай қўйишди. Уй олиб чиқиб кетсак ҳам бу ғавғолардан қутулмадим. Эрим болаларимни олиб ота-онасиникига кетса, ёлғиз ўтираман. Мен қачонгача бу туҳматларга чидайман? Сеҳру-жодуга ишонмаслигимни қандай исботлай?..**

**Муаллиф - Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

*Ўйлаш неъматидан маҳруммикан, ё!*
*Қўйган талаблари ғирт аҳмоқона.*
*Масрура ёнмоқда туҳмат ўтида,*
*Шу ҳам инсофданми эй, "азиз" она!*

Шоира Турсуной Содиқованинг сиздака қайноналарга деганига қулоқ тутинг-а!

"Биродар, бир зум тўхтангиз ва сиздан савол сўрайин: айтинг, онасидан айру тушиб кетаётган қизга она бўла оласизми? Камини кечирасизми? Яхшисига қувонасизми? Шу жовдираб турган катта ниҳолнинг катта дарахт бўлишига боғбон бўлиш қўлингиздан келадими? Келади десангиз қўл чўзинг. Гумон қилсангиз, аввал ўзингизни боғбонликка тайёрлаб олинг... Токи билиб-билмай гуноҳга ботманг, токи қиз боққаннинг оҳига қолманг"...

Қизим Масрура, сўзим ниҳоясида сенга яна озроқ чидам ва соғлик тилайман.

"Оила ва жамият" мухлисларининг хулосаларини ўқиб, қайнонангиз ва ёстиқдошингиз инсофга келса ажаб эмас.

Оилавий бахтингиз тикланиб кўнгилсизликлардан холи бўлишингизни яратгандан тилаб қоламан.

**Афифа ХАСАН қизи**

**Масрура** опанинг хати мени қаттиқ ўйлантирди. Гарчи ҳали турмушга чиқиб, катта ҳаёт йўлини босиб ўтмаган бўлсам-да, фикр билдиришга жазм қилдим.

Ақл ёшда эмас, бошда дейишадику. Зора мен ҳам яхши фикр бера олсам. Менинг онам ҳам эскича йўл билан касал даволайди. Худога шукр, ҳеч кимга зараримиз тегмайди. Маҳалламизда ҳам иккиучта фолбинлар бор.

Масруранинг эрига ҳам қойил қолмадим. Никоҳ ўқиш жараёнида берилган ваъдалар қаерда қолди? Ножўя гап-сўзлардан аёлини ҳимоя қилолмаган, арзимаган ишлар учун оиласини бузилишидан асраб қололмаган эркакни эркак деб бўладими!

Бало-қазоларга кўкси қалқон бўлсин эркакнинг. Ёмон йўлларга юрган аёлларнинг қизларига не-не йигитлар уйланмаган дейсиз. Ўша аёлларнинг қизлари оқила-ю, орасталигига қойил қолмай илож йўқ. «Онасини кўриб қизини ол»,-деган мақолга баъзида қарши бўламан. Аммо Масруранинг онаси фолбин эмас экан-ку. Ўғрининг фарзанди бўлганида, нафратланса бошқа гап. Ўша қайнона диёнатли, намозхон аёлнинг фарзанди ўзига келин бўлганига минг бора шукр қилсин. Бу бахт ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ўша қайнона хатоларини англаб келинига меҳр қўлларини узатишидан умид қилиб қоламан.

**Моҳира БЎРИЕВА**
**Термиз шаҳри**

# ҲУҚУҚИМИЗ ПОЙМОЛ БЎЛМАСИН

Ажрашганимга 10 йил бўлаяпти. Эрим бошқа аёлга кўнгил қўйиб, мени 2 қизим билан кўчага ҳайдаган. Оиласидаги бирон киши менинг тарафимни олмаган, ваҳоланки икки уй, бир айвон менинг маҳримга тушган бўлса ҳам, фарзандларимни "қиз бола", деб менга уй беришмади. Агар отам ва акаларим бўлмаганларида ҳозир ижарада сарсон бўлиб яшаётган бўлардим. Бир амаллаб 2 хоналик уй олиб

### "Оила мустаҳкам бўлсин десангиз" - 51-сон, 2003 йил

**ЭСЛАТМА: Никоҳ шартномаси икки томоннинг молу мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташкил топган. Уни тузиш оила қуриш эр ва хотин зиммасига оиланинг анча масъулиятини юклайди. Шунингдек, бу жуда кўп келишмовчиликларнинг ҳам олдини олиши мумкин. Тақдир тақозоси билан оилалар бузилгудек бўлса молу мулк талашиб жанжаллашишлар бўлмайди.**

**Муаллиф - Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

беришди. 2 қизим ҳам вояга етиб қолди. Уларнинг тақдирини ўйлаб ҳавотирга тушаман. Нима учун қайноналар келинидан озгина айб топишса ажратишга ҳаракат қилишади. Эркаклар ҳам осонликча хотин устига хотин олишаверади?! Чунки улар катта талофат кўришмайди. Келин ўз нарсаларини қандай олиб келган бўлса, шундай олиб кетаверади. Ҳатто айримларини йўқотса ҳам. Агар эр томонга ажрашиш жараёнида уй-жой беришга ҳам мажбур қилинса-чи?! Бундай ҳолда ажралишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўрармиди... Балки уни тарбияласа бўлармиди? Балки келинпошшанинг фақат ёмон томонлари эмас, яхши ҳислатлари ҳам кўзга ташланиб қолармиди?! Эркаклар ҳам ҳар ажрашганда хотинга қўшилиб уйи ҳам кетишини фаҳмласа, бўлар-бўлмасга арзимаган сабаблар билан ажралишларга чек қўйилармиди?

Менимча, никоҳ шартномаси нафақат кимнингдир манфаатларини ҳимоя қилади, балки оилаларни мустаҳкамлайдиган омиллардан биридир. Менимча, никоҳ қайд этилаётганда никоҳ шартномасини тузишни мажбурий қилиб қўйилса жуда фойдали бўларди. Келин томон агар истамаса, ёзма равишда рад этсин. Менимча, бу ишни рад этувчи кимса топилмаса керак. Биз ҳуқуқий демократик жамият фуқароларимиз. Токи, ҳеч бир аёлнинг ҳуқуқлари поймол этилмасин.

**Рихси МИРСОЛИЕВА**
**Тошкент шаҳри**

**Акс-садо**

# ҚАЙНОНАМГА БОШ ЭГАМАН



**Садоқат!** Ҳаётда ҳамма нарса бўлар экан. Кўп нарсани бошдан ўтказдим. Ҳозир эса қайнонамнинг эркатой келиниман. Нега эрка келини,-деб сўрарсиз? Қайнонам, онам мени келини эмас, худди ўзи туққан қизидек кўради. Иккита ўғиллари бор. Мен ўз уйимда 5-фарзандман. Тўполончи, уришқоқ, жанжалкаш қиз эдим. Кўрган одам борки: "Бу қизни ҳам биров келин қилармикан? Шу ҳам оила қилиб кетармикан?" - дер эди. Мана, турмуш курганимга ҳам 16 йил тўлаяпти. Оллоҳга шукр, турмушим тинч. 3 нафар фарзандим бор. Қувончли кунлар келишига ишониб яшашимга умр йўлдошим сабаб бўлди. Ўзимга қолса... Уч ярим йил фарзанд кўрмадик. Умр йўлдошим сабр қилди. Мен эса: "Бўлди, ажрашаман!", - деб ўйлагандим. Фақат умр йўлдошим бунга рози бўлмади. "Эсингни йиғ, ажрашсанг барибир турмуш қурасан, сени қўйиб қўйишмайди. Мен ҳам бошқасига уйланарман. Кейин нима бўлади, кейин? Тушунаяпсанми мени? Сен билан ҳеч қачон ажрашмайман",-деди. Тушунган инсоннинг садағаси кетсанг арзийди. Йиллар ўтди, узоқ кутдик. Оллоҳим бизга фарзанд ато этиб, қизчалик ҳам бўлдик. Кейин бирин-кетин 2 ўғиллик ҳам бўлдик. Мен умр йўлдошимдан миннатдорман. Қайнонам: "Мурувват" уйидан фарзанд оламиз", - деганда мен кўнгандиму, аммо умр йўлдошим кўнмади. "Йўқ, ўзи туғади, бўлмаса шундай яшайверамиз", - деб туриб олганди. Ноliganини умуман эшитмадим. "Нега туғмайсан?" - деб савол ҳам бермасди. Сиқилиб ёки овсинимнинг болаларига тикилиб турсам ҳам, ўйнатсам ҳам нега хомушсан?-деб сўрамасди. У менинг кўзларимга боқиб туриб ичимдаги кечинмани биларди. "Сенинг ичингдан кечаётгани, менинг дилимда", - дерди.

### "Меҳр бериб, меҳр кўрмадим" - 8-сон, 2004 йил

**ЭСЛАТМА: Фарҳод акам билан уч ойгина яхши яшадик. Рашк туфайли орамиздан жанжал аримай қолди. Ўғлимиз туғилгач «Энди яхши бўлар»,-деб ўйлаганим ҳам хом хаёл экан. Эрим ишламас, рўзғоримизга ота-онам ёрдам берарди. 2 қизли бўлдик, аҳвол ўзгармади. Вақт ўтган сайин эрим ичкиликка, маишатпарастликка берилиб кетди. Охир оқибат ҳаёт йўлларимиз бир умрга ажралиб кетди.**

**САДОҚАТ**
**Термиз шаҳри**

Сизни тушунаман. Ўзим ҳам бир ой ичида ҳам онамдан, ҳам 15 ёшли жиянимдан ажралдим. Жияним мени ва 4 холасини қон йиғлатиб кетди. Қани энди кўзимни юмсам-у, ҳеч ким мени уйғотмаса, ҳаммаси тушга айланса! Айрилиқ нима эканини биласиз-ку. Умр йўлдошим оғир кунимда менга ҳамдард бўлди, уй юмушларига қарашди. Қайнонам атрофимда парвона, фарзандларимга қараган, ювган, тараган. Мен бу икки инсон олдида умр бўйи қарздорман. Улар мени бошқатдан ҳаётга қайтаришга, эртанги кунга умид билан боқишга ўргатишди. Садоқат, энди 34 га кирибсиз. Ҳали сиз тушунадиган, дардингизга малҳам бўладиган инсонларни кўп учратасиз. Мен бунга ишонаман. Қайнонам Маърифат ая кўп йиллар мобайнида медицина соҳасида ишлаб келяпти. Аммо, ҳар қандай қайнона келинига бунчалик, яъни қизидек муомала қилади, - деб ўйламаган эдим. Аммо қайнонам мени бир зумда ювош торттириб қўйди. Ўз онамдек меҳр билан қарши олди. Мен ҳам шунга яраша жавоб беришга ҳаракат қилдим. Мана, кам бўлганим йўқ. Куйган дилимга малҳам бўлди. Шу 4 ой ичида мен билан бирга йиғласам йиғлайди, кулсам кулади, оғриб қолсам, пешонамни ушлаб тунлари бедор бўлади. Ҳеч бир қайнона касал келинининг ёнида 3 кунлаб тунларни бедор ўтказмаса керак. Балки адашаётгандирман, эҳтимол шундоқ инсонлар кўплаб учрар бу ҳаётда. Аммо, шундайлар иккита бўлса, биттаси менинг қайнонам. Умр йўлдошим онасидан таълим олган. Мен у инсон олдида бош эгаман.

Садоқат! Ҳаёт инсонга бир марта берилади, уни шундай яшаб ўтишимиз керакки, бошқаларга ўрнак бўлсин. Агар келин олсам албатта аямларга ўхшаб уни тушунишга ҳаракат қиламан.

Садоқат синглим! Сизга метиндек бардош тилайман. Мен биламан, сиз албатта ўз бахтингизни топасиз.

**Л.ҲАСАНОВА**
**Бектемир тумани**

## ЯХШИЛАР-ЛА ГЎЗАЛДИР ОЛАМ

Қосимжон исмли бола қўлтиқтаёқда таҳририятга келиб бир пайтлар лат еганлиги сабабли оёқлари оғриб юришга қийнала бошлаганини айтганди. Лекин, операция қилдиришга оилавий имконияти йўқлиги боис шифокорларга ёрдам сўраб мурожаат қилганди. Бу ҳақда газетамизнинг 13-сонида "Дилимда орзуларим кўп" сарлавҳали мақолада ҳикоя қилинганди. Ўша мақоламиз чоп этилган куннинг эртасига Тошкент шаҳридаги "Таянч ҳаракати реаблитация маркази"дан олийжаноб инсон, тажрибали жарроҳ Абдуқаюм ака Аблоқулов қўнғироқ қилди. Ва "Агар Қосимжон олдимга келса уни текшириб ташҳис қўяман ва қўлимдан келганича оёқларини даволайман", - деди. Абдуқаюм ака мухлисларимиздан бирини илгари ҳам даволаб оёққа турғизганди. Биз Абдуқаюм акага ташаккур билдирдик ва Қосимжон билан у кишининг олдига боришга келишдик. Қосимжоннинг кейинги тақдири ҳақида мухлисларимизни газетанинг келаси сонларида огоҳ этиб борамиз.

**БАСИРА**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Келинойим ДИЛФУЗА ва жияним ШОҲИДА!**

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Шодон кулгуларингиз билан ҳамиша хонадонимизни завқу-шавққа тўлдириб юришингизга тилакдошман.

Синглингиз Наргиза, опаларингиз
Онажон, Дурхоним

**АБДУМЎМИНЖОН!**

Таваллуд айёмингиз қутлуғ бўлсин. Сизга бахт-саодат тилайман. Келажагингиз порлоқ бўлсин.

Волиданг Роза Нуралиева, холанг
Раънохон
Термиз шаҳри

**Жияним ШАҲНОЗАХОН!**

Туғилган кунинг билан қутлаб, сенга бахт тилайман. Ҳаётинг ҳамиша осуда ва фаровон бўлсин!

Холанг Мунира Ҳайдарова
Бухоро шаҳри



**БАХТИЁРЖОН!**

Таваллуд кунинг муборак бўлсин. Сенга Оллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Жуфти ҳалолинг билан қўша қариб, фарзандларинг камолини кўриш насиб этсин.

Оила аъзоларинг



**Жияним ШАҲНОЗАХОН ЎСАРОВА!**

Сени туғилган кунинг билан чин дилдан табриклаймиз! Соғ бўлгин, умринг узоқ бўлсин!

Бувижонинг ва тоғажонинг

**Ҳурматли БАХТИЁРЖОН!**

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин! Ҳаётингиз ҳамиша гўзал ва сермазмун бўлсин. Соғ бўлинг!

Опангиз Васила

# ТЕРИНГИЗ КЎРКАМ БЎЛСИН!

*- Шифокорлар ўғлимга тангачали темиратки, (псориаз) дея ташхис қўйишди. Бу хавфли эмасми? Шу ҳақда маълумот берсангиз...*

*М. РЎЗИМЕТОВА*
*Бекобод шаҳри*

Кўпчилик тери касалликларига унча эътибор бермайди. Лекин, ҳар қандай касалликда ҳам бепарво бўлиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Тангачали темиратки сурункали қайталанувчи дермотоз ҳисобланади. У терида эпидермис, дерма яллиғланиш пайдо қилиб, турли аъзо ва тизимларда патологик ўзгаришлар келтириб чиқаради. Сурункали томоқ-бурун, ошқозон-ичак аъзолари ҳамда эндокрин ва асаб касалликлари оқибатида шу хасталик билан оғриш мумкин. Ушбу касаллик яқин қариндошларнинг оила қуриши ёки авлоддан-авлодга ўтиши оқибатида ҳам келиб чиқади. Касаллик бошнинг сочли қисмидан бошланиб тананинг бошқа аъзолари, ҳатто тирноқ остига ҳам тарқалиши мумкин. Усти оқиш, қипиқсимон, думалоқ, овал шаклдаги тугунча тошмалар қўл-оёқдаги букилувчи бўғинлар ҳамда, товон ва кафтларга ёйилиб кетиши кузатилади. Псориаз, яъни, тангачали темираткининг кечиши уч даврга бўлинади. Кучайиш, даволаниш ва тузалиш даври. Касаллик билан оғримаслик учун тиббий кўрикдан ўтиб туриш, диспансер назоратида бўлиш зарур. Тери ҳамиша кўркам, соғлом ва чиройли бўлиши учун вақти-вақти билан шифокор кўригидан ўтиб туриши шарт.

**"Умид ва ишонч"**
**тиббиёт марказининг**
**дерматолог шифокори**
**Жамшид НАСРИДДИНОВ**

***Ҳурматли мухлислар! "Оила ва жамият" газетасининг мухлислари ва обуначилари учун ушбу марказ шифокорлари бир марталик бепул ташхис қўйиб берадилар ва даволаш ҳақи арзонлаштирилади.***

# ҚУШНОЧНИНГ ПИРЛАРИ БОР ЭКАН...

*Ажойиб ғаройиб*

Бу воқеани менга бир танишим гапириб берганди. Унинг қизалоғи қаттиқ шамоллаб, овози ҳам бўғилиб қолади. Шунда ҳеч ўйлаб ўтирмай қизнинг томоғини бармоғи билан босибди. Қизча тузалибди. Лекин шу куни тунда танишимнинг ўзи хасталанибди. Яна қанақа хасталик денг: оппоқ енгча кийиб олган қўллар тушидами ё ўнгидами безовта қилаверибди. Ҳатто бир куни ўша номаълум қўл эгаси танишимнинг қулоқлари остида: "Нега сен пирлардан фотиҳа олмай туриб қушночлик қилдинг?" - дея товуш берибди. Шунда танишим: "Бу тушимда бўлаётгандир", деб ҳеч аҳамият бермаган экан, ҳалиги қўллар уни бўға бошлабди. "Вой-дод, тавба қилдим!" - деб қичқириб юборибди танишим. Эрталаб туриб ойнага қараса... бўйни атрофида қўлларнинг изи ҳалиям турганмиш!

Ўшандан сўнг қаттиқ бетоб бўлиб ётиб қолган. Уни кўришга келган кекса аммасига бу сирни очгандан сўнг, танишимга у: "Сен пирлардан фотиҳа олишинг керак!" деб маслаҳат берган. Танишим аммасининг айтганини бажарибди. Энди гоҳ-гоҳида ёш болаларни эмласа ё томоғини бармоғи билан босиб қўйиш зарур бўлса у дарров: "Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, менинг қўлим эмас, пирларнинг қўли!" - деб бошларкан. "Энди ўша қўл эгалари мени безовта қилмай қўйишган, лекин ҳар бир урф-одат ёки диний ақидаларга беэътибор қарамаслик керак", - дейди танишим.

**Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА**

# ЭЪЛОНЛАР!




**Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.**

**Ўқув муддати 2 ойлик курслар.**
· Бичиш-тикиш · "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш · Бисерлардан фойдаланиб тикиш · Бошланғич компютер билимлари ҳам (Windows 2000) · Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш · Сартарошлик · Косметология · Маникюр·Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси

**Ўқув муддати 3 ойлик курслар**
· Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш · Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

**Ўқув муддати 4 ойлик курслар**
- Массаж ва уй ҳамширалиги · Бичиш тикиш (бошловчилар учун) · Машинада гул тикиш (вишивка) · Инглиз тили Ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. (амалиётлари билан)

**Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.**
**Манзил: "Халқлар Дўстлиги" метроси. Фурқат кўчаси 1 уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Ўқитувчилар малака ошириш институти жойлашган бино 2 қават, 202 хона.**
**Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58, 65-76-78**

**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**



1.Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Якка тартибда, кафолатли. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пишириқлар- 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Зардўзлик (Бухороча)- 3 ой.

**Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.**

**Манзилимиз : Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95. "Ўктамхон" ўқув маркази филиали Қибрай тумани, Ўнкўрғон маҳалласидаги 30-ўрта мактаб биноси ичида.**



Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.**

**"UMID va ISHONCH"** Тиббиёт маркази қуйидаги касалликлар бўйича беморларга хизмат кўрсатади:

·Терапевт ·Невропатолог
·Тери касалликлари (дерматолог)
·Оғиз бўшлиғи, қулоқ, томоқ (лор)
·Жарроҳлик ·Стоматолог
·Уқалаш (даволовчи) ·Уролог
·Косметология - жарроҳлиги
·Физиотерапия
·Гинеколог ·УЗД
·Лаборатория ·Педиатр

**Манзил: Ўзбекистон кўчаси, Тошкент шаҳри, Бешёғоч массиви 1-уй. Мўлжал: Халқлар Дўстлиги саройи, Банклар ассоциацияси.**
**Тел:45-07-42, 45-07-72, 45-07-79**


## ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН



### *НАБИРАМ*

Кўзларимга иссиқ кўринар,
Тол ёғочдан ясалган бешик.
Дўмбоққина асал набирам,
Қувончларга очади эшик.
Набирамни бағрамга боссам,
Во ажабо, эриб кетаман.
Унинг битта жилмайишига,
Мен дунёни бериб кетаман.

**Норхол ТУРСУНОВА,**
**Тошкент шаҳар,**
**Юнусобод тумани**

Сувратчи: Қорабек **ИБРАГИМОВ**

## Об-ҳаво маълумоти

Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Шамолнинг эсиши кучаяди.

Ҳарорат кечалари ***$1^{0}$-$6^{0}$ илиқ, айрим жойларда $0^{0}$-$2^{0}$ совуқ бўлиб, кундузи $10^{0}$-$15^{0}$ дан $18^{0}$-$23^{0}$ гача иссиқ бўлади. Жанубий ҳудудларда кечаси $4^{0}$-$9^{0}$ кундузи эса $12^{0}$-$17^{0}$ илиқ бўлади. Кейинчалик ҳарорат $23^{0}$-$28^{0}$ гача кўтарилади.***

"Оила ва жамият" газетаси Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитасининг раиси **Муаззамхон Шамсибоева**га қайнонаси ***Соттихон ая Хожибекова***нинг *вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.*

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Ҳафтанинг чоршанба куни олисдан хушхабар эшитасиз. Ишларингиз юришиб, катта даромад эгаси бўлишингиз кутилмоқда.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Сешанба кунидан бошлаб, ишларингизда ўзгариш бўлиши мумкин. Лавозимингиз ошиши эҳтимоли бор.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).**- Сиз аҳамият бермаган майда-чуйда гаплар, анча асабингизни бузиши мумкин. Шанба куни фақат ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).**- Севган кишингиздан мактуб оласиз. У туфайли сизнинг ҳаётингизда ўзгариш ҳақида хабар бўлади.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).**- Кутилмаганда хизмат сафарига жўнайсиз. Агар истеъдодингизни кўрсата олсангиз, сафарингиздан мамнун бўлиб қайтасиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Янги автомобил эгаси бўлишингиз мумкин. Аммо, ёру дўстларингизга бўлган самимий муносабатни уза кўрманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Пайшанба куни сизни йўқлаб келишади. Меҳрга-меҳр билан жавоб қайтаришни унутманг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Турли муаммоларга дуч келасиз. Ҳафта анча оғирроқ кечса-да, тушкунликка берилманг. Ҳаммаси ўтиб кетади.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Оила аъзоларингиздан бири билан келиша олмай қоласиз. Зинҳор камчиликлардан сўз очманг. Сал кечиримли бўлишга ҳаракат қилинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Хизмат фаолиятингиз анча кенгаяди. Ҳатто, хорижликлар билан ҳам ҳамкорлик қилишингизга имкониятлар пайдо бўлади.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).**- Турмуш ўртоғингизга эътиборлироқ бўлишингиз керак. Сиз туфайли кўнгли азият чекишига йўл қўйманг.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).**- Ҳафта сизга оламжаҳон қувонч ва омад келтиради. Фақат яхшилик ҳақида ўйланг, сизни бахт кутмоқда.

# БУ ДУНЁ — ҚАЙТАР ДУНЁ-КУ!



Мен оиласига хиёнат қилганлар, охир-оқибатда уларнинг хору-зор бўлганлари ҳақида кўп эшитганман, ўқиганман. Аммо, акамнинг шу хиёнат туфайли ўз жонига қасд қилишини ўйламагандим. Бу ҳақда ёзиш ҳам оғир. Кўп ўйладим, иккиландим, ёзсаммикан ёки... Балки, баъзи аёллар учун сабоқ бўлар...

...Одамзод яшар экан, унинг умри қилган яхши амаллари-ю, қолдирган солиҳ фарзандлари, боғлари-ю, олим бўлса ёзган асарлари билан ўлчанади. Оллоҳ томонидан берилган буюк неъмат-умрини ана шундай ўтказмоғи керак бўлади. Ўтганлар ҳақида: "Оллоҳ билгувчидир, ўзи берди, ўзи олди, ўзи сабр берсин", - деганларини эшитгандирсиз. Аммо, ўз жонига ўзи қасд қилганлар ҳақида эшитганмисиз? Бу иш Худога ҳам хуш келмайди, аслида эса: "Тўнғиз қавмида кетган, деб жаноза ҳам ўқилмайди",- дейишади. Мен кўрган-билган, қўшни маҳаллада яшаган таниш аёлларнинг уччаласи ҳам турмуш ўртоғининг хиёнати, зулми, жабру-жафосини деб ўз жонларига қасд қилган эдилар. Э, воҳ, шундай ажойиб, гўзал аёллар ўз жонларига қасд қилган чоғларида ота-оналари ва фарзандлари ҳақида ўйлаганларида эди... Ахир, бу охирги чора эмасди-ку? Улар-ку, қийнала-қийнала жон беришганда, ота-оналари фарзанд доғида адо бўлишган, турмуш ўртоқлари эса йил ўтмай уйланиб олишган, фарзандлари ҳам думалаб-думалаб катта бўлишганди. Кетганда ёшгина жонлари кетди.

Улар ҳақида эслар эканман: "Эҳ, аттанг, аҳмоқлик қилишди, ҳаёт қанчалар гўзал, фусункор ва айни чоғда ширин эканини, кексалар ҳам ҳаётга тўймай ўтиши ҳақида наҳотки билишмаган бўлса?"- деб ўйлаб қоламан. Аммо, жонига қасд қилганларнинг ўзи таниш эмас, қариндошингиз бўлсачи? Аммамнинг ўғли ўтганига ҳам бир йил бўлиб қолибди. Жигар экан-да, уларни эслаганимда бағри-дилим ўртанади. Акам бўлмагани учунми ёки ёшлигимиздан менинг ҳимоячим бўлгани учунми, биз жуда аҳил эдик. Ўн уч йил аввал аммам раҳматликнинг вафоти акамга қаттиқ таъсир қилиб, қанд касаллигининг оғир турига йўлиқиб қолганди. У пайтларда гўшт комбинатида ишларди. Кўркам, бақувват, басавлат бўлиш билан бирга меҳрибон, очиқ кўнгил, беозор, диёнатли, очиққўл, сахий инсон эди. Топиш-тутишлари яхши аммо, соғлиқлари кундан-кунга ёмонлашарди. Дорига келганда эса мендан буни яширишга уринарди. Аммо, вақт ўтган сайин озиб-тўзиб, ёш йигитчалардек хипча тортиб қолди. Ўша куни ҳам дорихонамиздан дори олгани келди-ю, "Кел, бирга овқатланайлик", - деди.

-Тинчликми ака? Шаштингиз пастроқ кўринади?

- Эй, синглим, тинчлик қаёқда дейсан? Юр, яхшиси, сени ҳовлимга олиб кетаман.

- Участкада нима бор экан? Ҳали битмаган, совуқ бўлса?

- Бола-чақамни олиб, кўчиб кетдим участкага. Фақат невараларимга қийин бўлдида, совуқда.

- Келинойим-чи?

- Кел, яхшиси келинойинг ҳақида гаплашмайлик. У ҳақида эшитишни ҳам хоҳламайман. У бир ўзи "дом"да қолди. Ҳа, айтганча, болаларга гўшт дўкони очиб бердим. 5-10 та қўй олиб қўйдим, ҳаммаси шулар билан овора бўлиб қолишди. Каттасига мол сўйишни ўргатаяпман.

- Жуда яхши бўлибди-да! Аммо, ҳозир боролмайман, ишхонамда меҳмонлар бор. Кейинги ҳафта албатта бораман. Ўшанда бемалол гаплашиб оламиз, бўптими?

- Бўпти, унда ўзим машина юбораман, сен ҳовлимни қаердалигини билмайсан-ку?

...Ўшанда акам билан охирги дийдорлашув эканини мен қаёқдан ҳам билардим? Ёдимда, бир ҳафтадан кейин дўстлари келганди. Келишганимиздек менга машина юборибдилар, деб ўйлагандим. Дўстлари эса:

- Опа, энди, бардам бўлинг, акангизни бериб қўйдик...

- Нима... Нималар деяпсиз?

- Ўзларини осиб қўйибдилар...

- Нега энди? Нима учун? Нега осадилар?

- Кетдик, сизни кутишаяпти, дўхтирлар билан ўзингиз гаплашар экансиз...

Йўлда кетаяпмиз-у, ўзимни босолмай минг хил ўй-фикрлар тинчлик бермасди.

- Опа, акангиз, кеча кечқурун "дом"га келганди. Қўшнига кўрпачаларга буюртма берган экан, шуни олиб кетди... Бугун тонгда келинойим дўконни очаётган экан. Мени кўриб: "Ҳа, ўлдими?", - деди дабдурустдан. Тушунолмай қолдим. Кеча кечқурун кўришишган эди, у-бу гап ўтган шекилли...

- У-бу ўтган бўлса, ҳали жавоб беради. Етиб борганимизда акамнинг аҳволини кўриб, куйиб кетдим. Қариндошлар мени тинчлантиришар, даво қилмаслигимни, суд-тиббиёт экспертизадагилар билан гаплашиб, тезлаштириб, асрга чиқариш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришим зарурлигини уқтиришар эди.

- Йўқ, ҳаммасига жавоб берсин энди...

Катта акамиз, анча чўкиб, мунғайиб қолганди:

- Қўй, синглим, Оллоҳ берсин унга жазосини, қўй энди, болалари бор...

Охирги йўлга кузатиб, чин уйига элтиб қўйишгач, жияним мени қучоқлаб йиғлаб юборди:

- Энди, дадамсиз нима қиламиз? Ҳаммасига мен айбдорман. Энди нима қиламиз?

- Қани, бир бошдан гапириб бергин-чи? Нима бўлди ўзи? Нега сен айбдор бўлар экансан?

- Нега бўларди? Ойимни "ўша" билан дадам тутиб олди. Мен аҳмоқ, уни яна уйимизга келганини дадамга айтувдим... Дадамни беҳурмат қилиб юришларини хоҳламагандим. Дадам бечора бетоблигига қарамай эрталабдан то туннинг қоронғусигача дўконга мол ташиб, кира қилиб, бизни боқаман деб ишласа-ю, ойимни ёмон йўлга юришини билмаса... Дадам бечорани касал деб бир хоналик уйга чиқариб қўйганди, ўзи икки хоналик уйда...

Ўша куни икки хоналик уйнинг эшигини оч деб болта билан чопиб, бузиб ташлади. Роса хафа бўлди, йиғлади. Яхшиямки тоғам келиб қолди. Тоғам ойим билан гаплашмасди, унинг қанақалигини яхши биларди. Дадамни "ака" деб яхши кўрарди. Тоғам ўша куннинг ўзидаёқ ҳаммамизни ҳовлига кўчириб олиб кетди. Ўзи участкага яқин тургани учун биздан тез-тез хабар олиб турди. Дўкон очишга ёрдам берди. Дадам яхши юрувди. Кеча домга бориб келди-ю, айниди-қолди. Кечқурун йиғлади, кейин менга:

- Ўғлим, юрагим сиқилиб кетди, яшагим келмаяпти. Жуда қийналиб кетдим. Агар менга бир нарса бўлса, мендан кейин аҳил бўлинглар. Аканг дангасароқ чиқди, иккита болалик бўлди-ю, ўзи ҳалиям бола. Айб менда, мен ҳам тўй кўрай, невара кўрай деб, акангни ёш уйлантирдим, мана оқибати, менсиз бир иш қилмайди. Майли, инсофини берсин, тағинам келинойинг яхши, бир амаллаб йўлга солиб олар-а, нима дейсан?- деди.

- Ада, ойимни шунчалик яхши кўрасизми, уларсиз яшай олмайсизми? Шундағам яхши яшаяпмиз-у, нега энди... Ойим сизга нима деди? Нега энди яшагим келмаяпти деяпсиз? Ахир, ўзингиз айтган эдингизку, энди сизлар учун, сизлар билан яшайман деб...

- Ойинг нима деган бўлса, ҳаммаси тўғри. Бундай яшагандан-яшамаган маъқул. Эркак кишининг бу гапни эшитганидан кўра ўлгани афзал...

Кечаси ухламасдан дадамни пойлаб ётдим. Ўрнидан турганини билай деб, каравотининг ёнгинасида, пастда ётдим. Эрталабга яқин кўзим илинибди. Қарасам, дадам жойида йўқ. Чопиб ҳовлига чиқсам, сўрида осилиб турибди, қўрқиб кетдим. Арқонни кесиб ташлаганимда, ҳали тирик эди. Менга қараб ғалати овоз чиқазди-ю жони узилди. Мен буни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман, дадамни яхши кўрардим... Нега, нега ахир ундай қилди? Энди биз нима қиламиз?..

Кўз олдимга келинойимнинг бир чеккада туриши, кейин саҳнада рол ўйнаётгандек "бегим"лаши, ҳассакашларнинг унга ёв қараши келди. Қудахоланинг: "Майитни тинчлик билан охирги йўлга кузатайлик, нима бўлганидаям...", - деганини эсладим.

Бўлар иш бўлди. Аммо, мени бир савол қийнайди. Жиянларимнинг кўзларига қараб, ойисининг виждони қийналмасмикан? Жияним эндигина 13 ёшга тўлган эди, у бир умр бағрида қандай жон берган отасини кўз олдидан кетказолмаса керак. Кейинчалик онасига муносабати қандай бўлар экан?

Акамга ўша машъум кунда келинойим нима деган, ўзи-ю, Оллоҳ билади. Аммо, акамнинг жонига қасд қилишга мажбур қиладиган нима деган бўлиши мумкин?

Нима бўлганда ҳам акам бу сирни ўзи билан олиб кетди...

Акамнинг гуноҳини мағфират этишини Оллоҳдан сўраб тиловат қилганимда бағри-дилим ёнади. Бу беш кунлик дунёда кўнгил кўчаларига кириб, муқаддас оиласини, фарзандларини унутган, гуноҳга ботганлар албатта жазосини олишади. Зеро, бу дунё - қайтар дунё.

**Манзура САФАРОВА**
**Зангиота тумани**

## Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

# АРМОН

Майсара ая ҳар галгидай эрта уйғонди. Мол-ҳолни ҳам вақтли саришта қилди.

Энди ҳовлини супураман, деганда турмуш ўртоғи Мажид ака уйғониб чиқди. Мажид ака ювингунча қўлига сув қуйиб турди, сочиқ тутди. Кейин иковлон ундан-бундан суҳбатлашиб, нонушта қилган бўлишди.

Мажид ака ишга отланди. Уни кузатиб, қайтиб кирган ая яна қўлига супургисини олди. Бироқ супуришга кўнгли бўлмади. "Киши орқасидан супуриш бехосият",- деб уқтирганди раҳматли энаси. Шуни эслади.

- Аттанг-а, илгарироқ супуриб-сидириб олсам бўларкан. Сигирни эндиям соғаверардим, - ўйлади ўзича. "Хай, келин турса супурар. Аста-аста ишга ҳам ўрганиши керак-ку!" - деган гап кўнглидан кечди унинг. Юрагининг бир чуқур нуқтасида яна оғриқ қўзғалгандай бўлди. Яна ҳар кунги армонли ўйни ҳис қилиб, ичдан ҳўрсиниқ келди. Яна юракни эзворадиган аламзада хаёллар ўз гирдобига тортди уни.

"Мана, Салим дарознинг келини. Менинг келиним билан иккови баробар тушган. Ҳар тонг далага кетавераман, эшик-орани супуриб-сидириб юрган бўлади. Деразаларининг ойналари мудом ялтиллаган.

Манам шунақасини орзу қилмаганмидим? Мани келиним бўлса, мудом ётади, ё онасиникига жўнаворади. Бир иш айтсам, чала-ярим қилади. Ўшаниям хушига ёқса..."

Дарвозадан қизариб-бўғриқиб кириб келган қизи Саида хаёлини тўздириб юборди. Аянинг бир оз чеҳраси ёришди.

- Қандай бўлди, қизим? Ишқилиб ишинг унумли бўлдими?

- Ҳа, кечаги чала қаторларни "сой"га солиб чиқдим.

Саида мактабда ўқийди. Битирувчи синф. Энди дарсларини тайёрлаши керак. Шунинг учун қизгина шошилиб ювиндию сўридаги дастурхондан бир парча нон олиб, дарсхонага кириб кетди.

"Худо бахтингни бергур, меҳнаткашгинам!" - дилдан алқади қизини ая. Саида баҳона ўй-фикрларидан халос бўлган эди. Ҳаво исиб кетмай далага бориши лозим. Иссиқда ишнинг унуми бўлмайди.

Бир лаҳза ўтар-ўтмас ая бир қўлида сигирнинг арқонию елкасида кетмон, бир қўлида яхна чойли катта чойнакни кўтариб йўлга тушди.

Мажид акаларнинг қишлоқ четида 3 гектар ерлари бор. Ғўза ниҳолларини ҳозир ўт босган. Тезроқ ўтдан тозаланмаса...

Даланинг бир чети катта сойга туташ. Шу кунлар сойда сув анча пасайиб қолган. Эрта баҳорда сув кўпайиб кетгани боис ёйилиб оққан майдонда ҳозир кўм-кўк ажриқзор ястаниб ётибди. Қишлоқ болалари ана шу ерда мол боқишади.

Ая ана шу ўтлоқни кўзлаб келаётганди. Ўтлоқ анча "ориқлаб" қолибди. Фақат чеккароқ қисмларида оқбош, илонпечак, туятовон, янтоқлар панасида селкиллаган ажриқларни топиш мумкин.

Майсара ая сигирни ана шундай жойлардан бирига боғлаб қўйди. Кейин ёвонга - ўз пудратларига қараб йўл олди.

...Ая тушликка қайтаётганда қуёш тиккага келган, ҳаво ҳам чўяндай қизигандан қизиб борарди.

- Сигирни сиз олиб боринг, мен тушликни ҳозирлайвераман.

Ая Мажид акага ана шундай иш айтди. Ўзи уйига шошилганича борар экан. Уйга кирдию меҳмонларнинг устидан чиқди. Келиннинг онаси ва опаси ўтиришарди. Улар билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, келинига юзланди.

- Ўчоққа қарадингизми, болам?

- Ўчоқ-пўчоқнинг кераги йўқ. Мен ўзим овқат олиб келганман. Қудасининг шартакилик билан айтган бу жавоби вазиятга охирги нуқтани қўйганди. Худди шу пайт сигирни дарахт соясига боғлаган Мажид ака кириб келди.

Қуда-андалар дастурхон атрофидан жой олдилар. Келинлари Мавлудахон онаси пишириб олиб келган чопма шўрвани косаларга солиб, олиб келаверди. Қайнонаси ва қайнотаси олдига косаларни қўяётган пайтида "кудағай"нинг беихтиёр дилидаги тилига чиқди.

- Мен, сен учун пишириб келганман буни, қизим.

Майсара аянинг тишлаган бир бурда нони бўғзида қолди. Ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Бир лаҳза ҳовли саҳнида серрайиб турди. Бутун вужудини қиздириб, бўғзига қараб шиддат билан интилаётган бир оғриқ руҳ-жонини сирқиратиб эзаётганди.

Ая кўз ёшларига эрк бермаслик учун чуқур нафас олишга ҳаракат қилди. Алҳол ҳовли этагидаги томорқага нигоҳ ташлади. Пиёзни ўт босиб кетибди. Сабзини ҳам сийраклаш лозим экан... Нигоҳлари энди дарвоза томонга йўналди. Ҳали шошилиб-толиқиб келгани учун эътибор бермаган экан. Супурги эрталаб ўзи қай ерда қолдириб кетган бўлса, шу жойда ётибди.

Ая беихтиёр супурги томонга юрди. Уни ердан олди. Шу алпозда ошхона томонга бораркан, лаблари яна ўша юракни эзворадиган оғриқли армонларини пичирлади.

"Ахир, мен ҳам Салим дарознинг келинидай келинни (қудасидай қудаларни ҳам!) орзу қилмаганмидим?"

**С.УМАРОВА**
**Навоий вилояти**

1987 йилда туғилганман. Тошкент Банк коллежида таҳсил олаяпман. Оилада учинчи фарзанд, адамнинг эркатой қизиман. Бадиий китоблар ўқишга жуда қизиқаман. Шоҳрух Хон ўйнаган барча хинд филмларини маза қилиб томоша қиламан. Хонандалардан Андрей Губин ва Витас жуда ёқади. Инсонлардаги дўстлик туйғуларини ҳамиша қадрлаб яшашдан чарчамайман.

**Дўстлик-учун асло ҳусн керакмас,**
**Дўстлик учун битмас бойлик керакмас,**
**Дўстлик учун фақатгина бир нарса,**
**Дўстлар қалби сувдек тиниқ бўлса бас.**

**Дилдора МАМАДАЛИЕВА**
**Тошкент вилояти,**
**Ўрта Чирчиқ тумани,**
**Қорасув ш/х,**
**Гагарин кўчаси, 18-уй**

Қадрдоним «Оила ва жамият»! Ёдингда бўлса, дўст қидириб сенга мактуб йўллагандим. Мана энди беминнат ёрдаминг сенга ташаккур билдириш ниятида нома битаяпман. Сен туфайли республикамизнинг деярли барча вилоятларидан элликка яқин бир-биридан ажойиб ҳамсуҳбат дўстлар орттирдим. Ҳаттоки Навоий вилоятидан ажойиб, ширингина сингил ҳам топдим. Васила билан биз худди туғишган ака-сингилдек иноқлашиб олдик. Бундан ташқари дўстларим Дилфуза, Гулноза, Нигора, Зулфикарам, Шоҳида, Мақсуда, Муҳаббат, Ҳошимжон (бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин), хуллас, барча дўстларим мен учун азиз ва ҳар қачон ҳамдард, ҳамфикрдирлар. Мени дўст билиб, ишонч кўрсатиб мактуб ёзган тенгдошларимга чексиз ташаккур. Уларга оилавий хотиржамлик, ишларида омад тилайман.

2004 йил — **"Меҳр ва мурувват йили"**да бир-биримизга янада меҳрмуҳаббатли бўлиб қолайлик!

**Низом НОРОВ,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Яккабоғ тумани,**
**Нов қишлоғи,**
**инд: 731507.**

Биз 3 дугоналар Дилноза, Мадина, Гулбаҳор Чирчиқ индустриал техникумининг 1-босқич талабаларимиз. Ҳаётдаги ҳар бир гўзалликдан баҳра олишга интиламиз. Расмга тушишга, қўшиқлар айтишга қизиқамиз. Муҳими зерикмаймиз. Биз билан дўстлашган тенгдошларимиз ҳеча м афсусланмайди, деган умиддамиз.

**Гулбаҳор ЗИЯЕВА,**
**Мадина Мирсолиева,**
**Тошкент вилояти,**
**Чирчиқ шаҳри, 4-почта,**
**инд: 702100**

Оилада 5 нафар кишимиз: дадам, опам, акам ва укам. Мен уларни жуда яхши кўраман. 9-синфда ўқияпман.

Дўстларим ва дугоналарим билан суҳбатлашишни яхши кўраман. Бўш вақтларимда онамга уй ишларида қарашаман. Спортнинг волейбол ва теннис тўгарагига қатнашаман. Мен кўпроқ хинд ва япон киноларини берилиб томоша қиламан. Оқ ва яшил рангларни ёқтираман. Келажакда зўр шифокор бўлмоқчиман.

**Дилафруз АЙСАРИЕВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Оҳангарон тумани,**
**Овжазсой қишлоғи,**
**Жонибек-2 маҳалласи.**
**инд: 702439.**

Мен спорт билан шуғулланишга ва компьютерга қизиқаман. Ҳаётдаги шиорим "Ўтмишни орқага қўйиб, келажакка интилиш". Нимага қизиқсам, ўша интилишимни амалга оширишга ҳаракат қиламан.

**Азамат ХОДЖАЕВ,**
**Бухоро вилояти,Бухоро шаҳри,**
**Шарқ-1 даҳаси, Кўкча кўчаси, 55-уй**

1986 йил туғилганман. Бухоро коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг II-курс талабасиман. Ҳаётда хушчақчақ, гоҳи-гоҳида жиддийман. Мусиқа тинглаш жони дилим. Севимли гуруҳим - "Болалар".

**Дилноза БЕГИМОВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Бухоро шаҳри,**
**Иброҳим Мўминов кўчаси**
**31-уй, 24-хонадон**

Тиббиёт коллежи талабасиман. ТошМИга ўқишга кириш, шифокор бўлиш менинг энг катта орзуимдир.

Спортнинг "Таэквандо" тури яқингача менинг хоббим эди. Лекин ҳозирги пайтда машғулотларга вақт ажрата олмаяпман. Бироқ бўш вақтимни китоб ўқишга ва мусиқа тинглашга бағишлайман. Дарсликлардан ташқари детектив романларни катта қизиқиш билан ўқийман. Самандар ва Райҳонанинг қўшиқларини севиб тинглайман.

**Гавҳар ОРИПОВА,**
**Навоий вилояти,**
**Зарафшон шаҳри,**
**Мирзо Бобур кўчаси**
**9-уй, 29-хона.**

Муҳаббат ҳақида куй-қўшиқлар эшитиш жону дилим. Наврўз радиосининг бошловчиларидан Сардор Раҳимхон кўпроқ ёқади. Уларнинг ҳамма дастурларини мунтазам эшитиб бораман. Азиз тенгдошлар! Менга мактуб ёзганингизда сурат ҳам юборишни унутманг.

**Дилбар**
**Тошкент вилояти,**
**Чирчиқ шаҳри,**
**Рамазон кўчаси,**
**141 уй,инд: 702100**




Мен 1986 йил туғилганман. Бекобод техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабасиман. Бўш вақтларимда газета ва журналлар ўқийман, мусиқа эшитаман.

Мен билан танишиш, дўстлашиш истагида бўлсангиз, мактубингиз билан фотосуратингизни ҳам юборинг. Мен расмлар йиғишга жуда қизиқаман.

**Нилуфар ХОЛБОЕВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Бекобод шаҳри,**
**Цементчилар маҳалласи,**
**Сайдалиев кўчаси, 13-уй.**

1988 йил туғилганман. Табиатан шўх ва қувноқман. Келажакдаги орзуим чевар бўлиш. Дўст орттириш энг катта орзуларимдан бири.

**Наргиза РЎЗИЕВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Чирчиқ шаҳри,**
**Светлая кўчаси, 54-уй,**
**инд: 702100**

Оилада тўнғич фарзандман. Гўзаллик шайдосиман. Кўнгли очиқ, самимий, кечиримли инсонларни қадрлайман. Орзулар оғушида яшайман, севги-муҳаббатга жуда ишонувчанман. Ҳаётда севиб-севилганларга ҳавасим келади. Хоббим машина ҳайдаш. Ҳозирги кунда тикувчилик билан шуғулланаяпман. Худо хоҳласа бу йил институтга кираман, деган ниятдаман. Орзуим болаларга устоз бўлиш. Бўш вақтимда мусиқа тинглашни, ҳар хил ширинликлар пиширишни жуда ёқтираман. Ниятим самимий дўстлар орттириш. Дўстпарвар, ҳаётсевар сингилларим -Санобар, Турсуной, Сарвинозга ҳам шу манзилга хат ёзсангиз, хурсанд бўлишади.

**Холидабону АБДУҚУЛОВА,**
**Тошкент вилояти,Оҳангарон тумани,**
**Овжазсой қишлоғи, Жонибек-2 маҳалласи.**

Тоҳир Содиқов ва Райхоннинг ашаддий мухлисасиман. Болливуднинг порлоқ юлдузи Шоҳрух Хонни, ўзбек актёрларидан эса Фатхулла Маъсудовни ёқтираман. Бўш вақтларимни кўпроқ мусиқа тинглаш ва рақсга тушиш билан ўтказаман. Хобби: Тоҳир Содиқов ва Шоҳрух Хон тушган суратларни йиғиш. Ростгўй, ҳазилкаш ва жуда шўх тенгдошларим билан чин юракдан дўстлашиш ниятидаман.

**Дилдора РАЖАБОВА.**
**Бухоро вилояти,**
**Бухоро шаҳри,**
**Шарқ 2 даҳаси,**
**Шайхулислом кўчаси, 67-уй.**

1986 йил туғилганман. Ҳозирда талабаман. Бўш вақтларимда хаёл суришни, бадиий китоблар, газета, журналлар ўқишни, радио эшитишни яхши кўраман.

Ёқтирган гулим - настарин. Ҳаётда камгап, одамлар билан тезда киришиб кетаверадиган инсонман. Дўстларим - синфдошларим. Улар билан тез-тез йиғилишиб турамиз. Улардан ташқари республикамизнинг турли жойларидан дўстларим бўлишини истайман.

**Дилрабо ЭРМАТОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Ўрта-Чирчиқ тумани,**
**Тўй тепа шаҳри,**
**Эйвалак маҳалласи,**
**С.Жабборов кўчаси, 120 уй.**

Мен 1988 йил туғилганман.

Хоббим: Компьютер ўйнаш, мусиқа тинглаш. Севган гуруҳларим: Baskstreet boys, Blue ва бошқалар. Келажакда банкир бўлиш ниятим бор. Умид қиламанки, хатларингизни аямайсизлар.

**Гавҳар АМИНОВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Хонқа тумани,**
**Улуғбек кўчаси 17-уй.**
**Инд: 741600**

"Оила ва жамият"ни қизиқиб ўқийман. Айниқса ҳаётий воқеалар акс эттирилган мақолалардан таъсирланиб кетаман. Жуда қизиқувчан ва шўх инсонман. Спорт туридан стол теннисига қатнашаман. 2003 йилда Андижонда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт ўйинларига қатнашиб келдим. Бўш вақтларимда мусиқа тинглаш, газета ўқиш жону дилим. Турли вилоятларда яшовчи талаба ёшлардан дўстлик риштасини боғловчи мактубларни кутиб қоламан.

**Зарнигор КАМОЛОВА,**
**Бухоро шаҳри,**
**Дилкушо кўчаси,**
**1пр. 16-уй**

Ёшим 20 да. Иқтисодиёт коллежида кутубхоначи бўлиб ишлайман. Бўш вақтимда мусиқа тинглашни ёқтираман.

Опам Лобар 22 да. У Шофиркон туман А.Навоий номидаги марказий кутубхонада кутубхоначи бўлиб ишлаяпти. Бўш вақтларида чеварлик ва зардўзлик билан шуғулланади. Рақсга тушиш жону дили. Оддийлик ва камтарликни ёқтиради. Биз билан дўст бўлишни хоҳлаганлар хат ёзинглар. Сизларнинг мактубингизни интизорлик билан кутиб қоламиз.

**Азиза ТЕМИРОВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Шофиркон тумани,**
**Иқтисодиёт коллежи.**

"Келинг дўстлашайлик" саҳифасини севиб ўқийман ва бу саҳифа орқали ўзимга янги дўстлар орттирмоқчиман.

Биз оилада беш киши бўлиб, отам - фермер, онам - уй бекаси, опачам - ўқитувчи, акам-талаба. Мен ҳозирги кунда 30-ўрта мактабнинг 9-"б" синф ўқувчисиман. Тикишга, пиширишга, шеърий китоблар ўқишга, шифокорларни ишига қизиқаман. 11-синфни битириб ТошМИга кириш энг катта орзуим.

**Асал Давлатова,**
**Тошкент вилояти,**
**Бўстонлиқ тумани,**
**Кўш-қўрғон ш/х,**
**Дўстлик кўчаси №9.**

Бухоро педагогика коллежининг жисмоний тарбия бўлими 3-курс талабасиман. Келажакдаги орзуим ҳарбий бўлиш. Ҳарбий соҳада фаолият юритиш жону-дилим. Таркан ва Любэ энг севган хонандаларим. Менга мактуб йўллаганда суратингизни ҳам юборишни унутманг.

**Дилнора РАЖАБОВА,**
**Бухоро шаҳри,**
**Истиқлол кўчаси, 19-уй,**
**инд: 705007**

Меҳрибон ва тўғри сўз инсонларни ҳурмат қиламан ва қадрлайман. Мен ўзимга чин дўст топмоқчиман. Уларнинг ёши мени қизиқтирмайди. Ҳақиқий дўст ёшга қараб ажратилмайди. Шундай эмасми? Мен ҳам ишончли дўст бўла оламан.

**Зиёда ДЖАНИКУЛОВА**
**Тошкент вилояти,**
**Юқори-Чирчиқ тумани,**
**Янгибозор қўрғони,**
**Шевченко кўчаси, 1-уй**

"Ёшим 21 да. Дўст бўламизми?! Мактубингизни кутаман.

**Анвар ЮЛДАШЕВ,**
**Тошкент вилояти,**
**Бекобод шаҳри,**
**Киров қўрғони,**
**Маданият кўчаси, 4-уй**

9-синф ўқувчисиман. Келажакдаги энг катта орзуим шифокор бўлиш.

**Барно ФОЗИЛОВА**
**Тошкент вилояти**
**Бўстонлиқ тумани**
**Кўш-Қўрғон ш/х**
**Файзулла Хўжаев кўчаси № 6**

**Саҳифани Н. ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.**

# ЕТТИ КУН ВА ЕТТИ МЎЪЖИЗА

***Ҳафтада етти кун бўлса, ҳар бир куннинг ўзига хос хосияти бор. Аждодларимиз қадимдан ана шу хосиятлардан хабардор бўлишган. Шу қоидаларга амал қилиб, ўз хонадонларини фариштали ва мўъжизакор қилишга интилишган. Ҳар бир куннинг хосиятига мос тутумлари бугунги кундаги уй бекалари учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки, оиладаги муҳитнинг соғломлигини аёл кишининг тутуми белгилайди. Етти куннинг етти сеҳри қуйидагилардан иборат:***

## Жума

куни зулмат чекинади. Тангри ҳамма ёққа ўз зиёсини тарата бошлайди. Шу куни диллар равшан тортади. Қалбларда оламни тушуниш, кечиримлилик хислатлари уйғонади. Албатта гиналар унутилиб, яқинларингизга меҳр-мурувват кўрсатишга мойиллик ортади. Сиз эрталаб туриб, саришталикка эътибор беринг ва жума кунининг хосияти оқ рангга мужассамлашганлигини дилингизга жойланг. Буни қандай тушунмоқ керак?

Хонтахтага албатта оқ дастурхон ёзинг. Оқ гулларни саралаб қўйишга эътибор беринг. Ўзингиз ҳам оқ кийимда бўлинг. Дераза пардалари ҳам оппоқ бўлиб кўриниб турсин. Пиёла ва чойнакларни ҳам оппоқ қилиб ювинг. Сочиқлар ҳам оқ рангда бўлсин. Турмуш ўртоғингизнинг кўйлак, майка ва пайпоқларини ҳам оппоқ қилиб ювиб, олдиндан тайёрлаб қўйган бўлинг. Оқ ранг ҳалоллик ва поклик рамзи бўлиб, уйдагиларга эрта тонгданоқ руҳий тетиклик бахш этади. Барчага юмшоқ муомалада бўлинг. Овқатни ҳам юмшоқ тайёрланг. Иложи борича, деразаларни очиб, хоналарга қуёш нурини туширинг. Қадимда ёш бекалар шу куни оппоқ ипак либос кийганлар. Худди шундай қилсангиз, бутун оиладагиларга ҳаёт завқини улашган бўласиз. Ҳеч ким билан баҳслашманг. Сут ва қатиқли таомларни тоза чинни косаларга қуйиб, яқинларингизга очиқ чеҳра билан узатинг.

## Шанбанинг

хосияти қора рангга мужассамлашгандир. Қора рангни ҳеч қачон диққинафаслик ва мотам ранги, деб тушунмаслик керак. Сочларингиз ва киприкларингиз тим қора бўлиб кўриниб турсин. Уй ичини ҳам қоронғуроқ, сеҳрлироқ сақланг. Қорага мойил рангли халат ёки кўйлак сиздаги жозибадорликни оширади.

Турмуш ўртоғингизга ҳам шу куни қора шим ва қора кўйлакни кийдириб ишга жўнатсангиз, уларнинг йўли очиқ бўлади. Чунки қора ранг яхшилик рамзидир. Қора кийим одамни улуғвор қилиб кўрсатади ва омадни юриштиради. Қора рангга ҳамиша давлат, барака илашган бўлади.

Шу куни қайнота ва қайнонангизни қора узум, қора анжир ёки қора олхўри билан сийлашга ҳаракат қилинг. Бу сизнинг обрў-эътиборингизни оширади ва оилада тотувликни мустаҳкамлайди. Ним қоронғу уйда бир фурсат ёлғиз ўтиришлик эса фикрингизни тиниқлаштиради.

## Якшанбанинг

хислати эса сариқ рангга мужассамлашгандир. Шу куни сариқ рангдаги либосларни кийиб, сариқ рангли гуллардан териб, гулдаста жамлаш ва дераза раҳига қўйиш сиз учун яхши кунни инъом этиши табиийдир. Чунки, сариқ ранг гининг рамзий маъноси олийжаноблик ва хурсандчиликдан иборатдир.

Шу куни қуёш одамларга гўзаллик ва саховат бағишлайди. Сиз иложи борича бошқаларга яхшилик қилишга мойил бўлинг. Ҳеч бўлмаса жуфти ҳалолингизга сариқ рангли икки дона гулни назокат билан тутинг. Бундай гул унда меҳр ва шафқат уйғотади. Сизга бўлган меҳри ортади.

Шу куни сариқ ранг ҳар қандай бағритош одамнинг юрагини эритади. Қўни-қўшниларга ёки шу куни келган меҳмонларга албатта сариқ дастурхон ёзинг. Шундай қилсангиз, уларда сизга нисбатан мабодо душманлик назари бўлса, фикридан қайтаради.

Якшанба куни туғилган инсонлар бошқаларга меҳрибон бўладилар.Сариқ ранг кишини кек сақлашдан, гиналардан тияди. Майда-чуйда дилхираликларни унутасиз. Вужудингизга гўё руҳий малҳам оқиб киргандай бўлади. Албатта бунда покизалик биринчи ўринда бўлмоғи зарур.

Қадимда тўйлар якшанба кунга тўғри келганда, келинларга албатта сариқ матодан рўмол ўратганлар.

## Душанбанинг

хосияти яшил сабза рангга мужассамлашгандир. Шу куни табиатдан баҳра олиш ва руҳий янгиланишга эътиборни қаратмоқ лозим бўлади. Бундай беғуборликни қалбингизга кўчиришга уннаб кўринг.

Яшиллик ва навқиронликнинг қадрига етиш ва асраш керак, деган тушунчани қалбингизга жойлаб, ундан завқ олишга ҳамда ўзингиз учун фалсафа чиқариб олишга вақт топинг. Ўзингиздаги камчилик ва қусурларни бир ўйлаб кўринг. Камчиликларингизни йўқотишга, кечиримли бўлишга, бошқаларни эҳтиётлаш ва уларга ёқишга йўл изланг.

Шуни билингки, айбни бошқа одамга ағдариш ҳамиша нотинчликни келтириб чиқаради. Қалбингизни сабза ранг каби мусаффо тутинг. Ғийбатлардан ўзингизни узоқ тутинг. Ҳар бир ишни ҳафсала билан қилинг ва уни охиригача етказиб, биринчи навбатда оиладаги ёши улуғ кишиларни хушнуд этишга ўзингизни чоғланг.

Яна шуни билингки, яшил рангдаги кийим сизни сарвқомат қилиб кўрсатади. Албатта чеҳрангизни очиқ тутинг. Сиз ўзингизни ана шунга чоғласангиз, бора-бора ҳамиша баҳор, ёқимтой бўлиб бораверасиз. Чунки, яшилликдаги мўъжиза сизнинг руҳиятингизга кўчади.




## Сешанбада

қизил рангдан ҳикмат топмоқ пайида бўлинг. Шу куни коинотдан қизил шафақ ранг таралиб, жамики жонзотларга шўхлик, хурсандчилик улашгай. Сиз шафақ рангдан ҳикматни, буюклик ва очиқ кўнгилликни топишга ҳаракат қилинг.

Қизил кийимда сиз оловранг ва қизил гулдай мусаффо кўринасиз. Ўйлаб кўринг, қуёш нури бўлмаса, ҳаёт бўлармиди? Демак, сиз бошқаларга фойдангиз тегадиган йўл-йўриқларни ўйлаб кўришингиз керак бўлади. Оилада кимнинг ғами бўлса, шуни енгиллатиш учун ўзингизни, ақл-фаросатингизни сафарбар этинг.

Иложи борича жўшқин ва самимиятли бўлинг. Оилада бўладиган унча-мунча нордон гапларни юракка олманг ва ҳазилга йўйишда моҳирлик кўрсатинг.

Бу кунда асло зиқналик йўлини тутманг. Тангри ер юзини шафақ ранг нур билан ёритганда, ризқ-насибани ҳам ёғдиради. Бироқ ризқ-насиба жанжал чиққан хонадонларни, ёлғончи ва мутаҳҳамларни, дилозорларни, фирибгарларни четлаб ўтиши тўғрисида кўп эшитгансиз. Кексаларга раҳмдил бўлинг. Озни кўп қилиб кўрсатишга, Оллоҳ баракасини берсин, деган иборани ишлатишга одатланинг. Шу куни шукр қилиб, нафсни тўқ сақлаган инсонларга Тангри албатта ўз баракасини раво кўради.

Шу куни ўзингизни меҳнатга қаттиқ чоғланг. Чунки барака меҳнатсиз келмайди. Қалб қўрингизни сарфласангиз, фаришталар, албатта ишингизни кўпчиликка маъқул қилгай. Ҳар бир ишга киришишдан олдин, аввало унинг моҳиятини ақл элагидан ўтказиб, кейин уннанг.

Шуни унутмангки, меҳнатга муҳаббат - оилангизга бўлган муҳаббатдир. Эринчоқлик, бир ишни енгил-елпи бажариш ҳамиша кўнгилсизлик ва жанжалнинг сабабчисидир. Яъни қалбингиздан олов рангининг тафт ва шуъласи уфуриб турсин.

## Чоршанбага

мовийранг, мўъжизакор ҳикмат битилгандир. Бу ранг сизга дил равшанлигини инъом этгай. Ҳаво рангга умрбоқийлик, фалсафа ва ҳақиқат мужассамлашган бўлади. Ҳаво ранг кийим ёки пардалар, сўзаналар одамни шаштидан туширади. Ҳаво ранг ўзингизга бўлган ишончни оширувчи руҳий баркамолликка ундовчи рангдир. Шу куни илм эгаллашга мойил бўлинг. Сиз ҳар қандай мушкулотларнинг ечимини илмдан топасиз. Китобларни шунчаки ўқиманг, балки тушуниб қалбингизга жо қилиб ўқинг. Ана шунда қалбингизда янги фикрлар туғилади. Аёлдан чиққан янги фикр эрни яхши ишларга отлантирғай.

Шуни билингки, мовий ранг сизнинг асабларингизни тиниқлаштиради, феълингизни кенгайтиради. Оилада ҳамиша мовий рангга кўзингиз тушиб турмоғи керак.Эрингиз нимадандир асаби бузилиб қайтса, албатта мовий ранглар кўпроқ кўзга ташланиб турадиган жойга ўтқазинг. Иложи борича майин гапиринг. Асло қовоқ уйманг. Турмуш чигалликларидан ичингизга ўт кетиб турган бўлса ҳам, буни эрингизга зинҳор сездирманг.

Эрингиз ўзи сўрамагунча рўзғорнинг камчиликларидан сўз очманг. Унинг топганига қаноат қилинг ва барака киритиш йўлларини изланг. Одамдаги энг яхши фазилат-бу қаноатдир. Айнан мовийранг одамда қаноат, сабр ва ростгўйлик шаклланувига туртки беради.

Турмуш ўртоғингизни асло камситмай фазилатларини бўрттириброқ кўрсатсангиз, унга руҳий кўмак берган бўласиз. Сиз мовий денгиздан ибрат олинг. Денгиз одамзодни боқади, соғлиқ-саломатлик бахш этади, ҳеч нима сўрамайди.

## Пайшанбанинг

мўъжизаси сандалранг (сарғиш жигарранг ёки ёғочранг)га мужассамлашгандир. Бу рангга ҳаётни тушуниш, унинг ичига кириб бориш, ҳар қандай дилхираликдан сақланиш, орасталик, ибодат ва ўтганлар руҳини шод этиш каби ҳикматлар мужассамлашган.

Сиз буни албатта дилни поклаш деб тушунмоғингиз лозим. Қуёш самога кўтарилиши олдидан борлиққа худди ана шундай ранг беради. Сиз албатта эрта туриб, ўзингизни орасталанг. Кейин қуёш томонга юзланиб, шундай тилак билдиринг: "Тангри, бу кунимни ҳосиятли қил. Сен нимаики берсанг, шунга шукр қилурман. Қут-баракангни, раҳм-шафқатингни дариғ тутма!" Шундан сўнг: "Шукр! Шукр! Шукр!" дея уч бора такрорланг. Тонг пайти шукр қилганни Оллоҳ хушлайди ва дарҳол ўз марҳаматини ёғдирур. Ана шу марҳаматдан бенасиб қолмасангиз, фикрингиз тиниқ, руҳингиз чоғ ва дилингиз равшан бўлғай. Бало-қазолар албатта чекингай.

Сандалрангнинг ҳикматини янада чуқуррок уқиб олинг. Жигар қонни тозалайди. Тоза қон одамга мардлик, ўктамлик, ақл-фаросат ато этгай. Демак, жигаррангдаги маъно қалбни ва вужудни тозалашнинг ўзгинасидир. Покизалик, ризқ-насиба рамзи бўлган нон ҳам ана шу рангдадир.

Ёлғиз қолганингизда етти пуштингизнинг руҳини эсланг. Уларнинг яхши фазилатларини ёдингизга олинг. Уларнинг олийжаноб хислатларидан ўзингизга ибрат олинг. Куёвингизни иложи борича жигарранг кийимда ишга отлантиринг. Унга омад тиланг. Ўзингиз ҳам шу куни иложи борича ишда ва рўзғор тутумида моҳирлик кўрсатинг. Рўзғор халтасини тўлдиришга оз бўлса-да, ҳисса қўшинг.

Албатта иложи борича тирикларни йўқланг! Биринчи навбатда қайнона ва қайнотангиз, сўнгра ота-онангиз ва бошқа жигарларингизни йўқлаб, дийдорлашиб, уларнинг руҳини кўтариш йўлларини изланг. Иложи бўлса уларга ширинлик улашиб, дуосини олинг. Шу куни ҳаммани кечиринг ва гиналар бўлса унутинг. Қалбингизни ғуборсиз сақланг.

**Комилжон НИШОНОВ тайёрлади.**

# ЎЗИНГИЗНИ НЕЧА ЁШДА ҲИС ЭТАСИЗ?



Синалган ҳақиқатлар

***Ёши бир жойга бориб қолган эса-да, лекин ёшлик руҳияти, куч-қуввати, ғайратини сақлаб қолган одамларни учратган бўлсангиз керак. Аммо шундайлар ҳам борки, ўзи ёш бўлишига қарамай қиёфасига кексалик тамғаси босилган. Демак, инсон учун унинг неча йил умр кўрганлигидан кўра, қалб ёшлигини асраб қола олганлиги муҳимроқ экан.***

Неча ёшга кирганлигингиздан қатъий назар, қуйидаги тест саволларига жавоб бериб, ўзингизни синаб кўринг. Берилган фикрлар сизга тўғри келса 4 балл қўйинг, агар қисман тўғри келса 3, тўғри келмаса 2, умуман сизнинг фикрингизга қарама-қарши бўлса 1 балл қўйиб чиқинг.

**1.** Менимча мен жуда қувноқ ва ҳазилкашман.

**2.** Ўзгалар нима исташини дарров англай оламан. Чунки, ҳис қилиш қобилиятим кучли деган фикрдаман.

**3.** Мени ҳали олдинда кўп яхшиликлар кутаяпти, дея умид қиламан.

**4.** Мен билан муомала-муносабатда бўлиш одамларга ёқади, деган фикрдаман.

**5.** Ҳаётий қарашлари меникидан фарқ қилса-да, ўзини ёқтиришим мумкин.

**6.** Болаларни яхши кўраман.

**7.** Ҳар қандай ишларни чин дилдан бажараверамаман.

**8.** Бирон ишга бош қўшарканман, қойилмақом қилиб уддалашга ҳаракат қиламан.

**9.** Турли воқеа-ҳодисалар сабабини билишга қизиқаман.

**10.** Асосий ишимдан ташқари ҳам, бошқа қизиқадиган соҳаларим кўп.

**11.** Юз берган ҳар қандай ўзгаришларни яхшиликка йўйишга ҳаракат қиламан.

**12.** Менинг бажараётган ишим одамларга фойдали, деб ҳисоблайман.

**13.** Баъзида орзуга берилишни хуш кўраман.

**14.** Яхши мусиқа кайфиятимни кўтаради.

**15.** Янги ғояларни завқ-шавқ билан кутиб оламан.

**16.** Қийинчиликлар ва қаршиликлар олдида эсанкираб қолмайман.

**17.** Беғараз ҳазилни самимият билан қабул қиламан.

**18.** Фикрларимни сира яширмай изҳор этишим мумкин бўлган дўстим бор.

**19.** Жисмоний куч талаб қиладиган фаолият менга ҳузур бағишлайди.

**20.** Янги одамларни учратишдан қувонаман.

**21.** Ҳалигача мен эгаллай олмаган касб-ҳунарларни эгаллашни истайман.

**22.** Жозибадор бўлишга ҳаракат қиламан ва бу ҳаракатим бесамар эмас, деган фикрдаман.

**23.** Майда-чуйда кўнгилсизликлардан хафа бўлмасликка ҳаракат қиламан.

**24.** Мен айни дамдаги ҳаётимдан мамнунман.

**25.** Ҳали ўз қобилиятимни янада тўлароқ намойиш эта оламан, дея ўйлайман.

**НАТИЖАЛАР:**

**75 баллдан юқори**. Неча ёшга кирганингиздан қатъий назар, куч-қувватингиз тўлиб-тошиб турибди. Ўз кучингизга ишончингиз мустаҳкам. Ҳамма нарсага қизиқасиз, завқ-шавқли, ҳайрат ва ҳавасга тўлиқ ҳаёт кечирасиз. Шу туфайли ҳам сиз ҳали-бери қариликка бўйин эгмайсиз.

**50-75 балл**. Шу ёшга етгунча сиз ёшликнинг баъзи хислат-фазилатларидан айрилгансиз. Ташвишлар, асаббузарликлар туфайли шод-хуррам яшашдан кўра, ҳаётга жиддий ва масъулият билан ёндошадиган бўлгансиз. Сизни аллақачон кексайиб қолган, дейиш ҳам қийин. Аммо руҳиятингизни бироз кўтаринки даражада тутсангиз, ҳаётсеварроқ бўлсангиз айни муддаодир.

**50 баллдан кам**. Сизга ўхшаган одамларга кўпни кўрган, ҳамма нарсанинг қадр-қимматини билади, дея баҳо беришади. Лекин шундай даврни бошдан кечириш сиз учун сал эртароқ эмасмикан? Ахир ҳали бу ҳаётда кўп нарсаларни кўришингиз, билишингиз, ҳис этиб бошдан кечиришингиз ҳам керак-ку!

# ХУШХЎР ВА ФОЙДАЛИ



Қизил лавлагининг соғлиқ учун ниҳоятда фойдали эканлигини кўпчилик шундоқ ҳам яхши билади. Унинг таркибида эркаклар ва аёллар учун ниҳоятда зарур бўлган темир, рух моддалари ва дармондориларни меъёрлаштириб турувчи кобальт моддаси бор. Лавлаги сабзавотлар орасида йодга бойлиги билан ажралиб туради. Бу эса бўқоқ касаллигининг олдини олади,хотирани мустаҳкамлайди, иш қобилиятини оширади.

Лавлаги таркиби беқиёс фойдали дармондориларига бой . Унда бетаин моддаси ҳам бор. Бетаин танада оқсил моддаси сўрилишини таъминлайди. Лавлаги билан истеъмол қилинган гўшт бўлаги кўп миқдордаги гўштнинг кучи билан тенглаша олади. Бетаин - жигарнинг иш фаолиятини яхшилайди. Табобатда лавлагидаги бетаин моддаси ажратиб олиниб, жигарни даволаш учун дорилар ҳам тайёрланади. Бироқ, бу дорилар лавлаги солиб тайёрланган карам шўрва ёки винегрет салати ўрнини асло боса олмайди. Лавлагини хомлигича истеъмол қилгандан кўра, пиширилганини тановвул қилиш фойдалироқдир.

Қизил лавлаги қўшиб тайёрланадиган қуйидаги таомлар саломатлигингизни мустаҳкамлайди ва дастурхонингизни безайди.

## ҚИЙМАЛИ ЛАВЛАГИ

***Зарур масаллиқлар: 6-8 дона ўртача катталикдаги лавлаги, стаканнинг 2\3 миқдорида гуруч, 2 дона олма, 250 грамм творог,1-2 стакан шакар, 2 дона тухум, 50 грамм сариёғ, 1 стакан қаймоқ ёки сметана, туз.***

Лавлаги сувда пўсти билан пиширилгач, арчиб тозаланади. Гуруч пиширилиб, унга ёғ, қирғичда қирилган олма, майда тўғралган тухум ва элакдан ўтказилган творог, қаймоқ аралаштирилади.Пиширилган лавлагининг ўртаси эҳтиётлик билан ўйиб олиниб ичи тайёрланган қийма билан тўлдирилади.Сўнг ёғланган товага қиймали лавлагилар терилиб, устидан қаймоқ қуйилади ва духовкада 10-15 минут пиширилади. Уни газак ёки иккинчи таом сифатида дастурхонга тортиш мумкин.

## ЗИРАВОРЛИ ВА СМЕТАНАЛИ ЛАВЛАГИ

***Масаллиқлар: 3-4 дона ўртача катталикдаги лавлаги, сабзи, укроп(шивит)нинг илдизи, 2 ош қошиқ сариёғ, бир стакан сметана, яримта лимон, имбир, туз, шакар.***

Лавлаги, сабзи шивит илдизи сомонча шаклида майдалаб тўғралади ва чуқур товага солиниб устидан қайноқ сув қуйиб қопқоғи ёпилади. Паст оловда озгина қайнатилади.Сабзавотлар пишгач, устидан сариёғ қуйиб аралаштирилади. Зираворларга туз ва шакар қўшиб, устига лимоннинг сувини сиқиб яна аралаштирилади. Сўнг қопқоғини ёпиб қўйинг. Бироз совугач устидан сметана қуйиб дастурхонга тортиш мумкин.

## ҚОРА ОЛХЎРИЛИ ЛАВЛАГИ

***Зарур масаллиқлар: 1 кг. лавлаги, 1 стакан қора олхўри, 2 стакан сув, ярим дона лимон, туз.***

Қора олхўри илиқ сувда ювилиб, эзиб данаги ажратилади. Лавлаги ҳам ювилгач, йирик бўлакларга бўлинади.Сўнг қора олхўри билан бирга гўшт майдалагичдан ўтказилади. Чуқур товага сув қуйилиб, қайнатилади. Сўнг лимон суви лавлаги ва қора олхўри массаси товага солиниб қопқоғи ёпиқ ҳолда пиширилади. Пишгач майдаланган лимон қўшилади. Совуганидан сўнг устидан майонез қуйиб, дастурхонга тортилади.

## ХОМ ЛАВЛАГИДАН САЛАТ

***200 грамм лавлаги, 2 ош қошиқ хрен-хантал, 2 ош қошиқ майонез, 2 ош қошиқ қаймоқ ёки сметана, ярим дона лимон, туз ва шакар.***

Ювиб тозаланган лавлаги қирғичдан чиқарилади ёки ўткир пичоқ билан сомонча шаклида тўғралади. Хрен, туз, шакар, асал ва лимон сувидан қўшилади. Майонез ва қаймоқ аралаштирилгандан кейин салат тайёр бўлади.

### ДАРМОНДОРИЛАРГА БОЙ

Қизил лавлагининг таркибида лизоцин моддаси бўлиб у микробларга қирон келтиради. Бундан ташқари сийдик ҳайдайди. Қон босимини пасайтириши билан бирга қўшимча дармондорилар манбаи ҳамдир. Бунинг учун хом лавлагининг шарбатини истеъмол қилишдан аввал 1:1, яъни, тенг миқдорда асал қўшинг. Ҳар куни 1/3 стакан миқдорида истеъмол қилсангиз кифоя.

**Б. САЙДАЛИЕВА тайёрлади.**

# ЁШАРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? Маслаҳатхона

## МАРҲАМАТ...

350 грамм саримсоқ пиёзни олиб, тозалаб, ёғоч қошиқ билан яхшилаб эзинг. Майда эзилгандан сўнг 200 граммини олиб, шиша банкага солинг ва устига 200 грамм 96%ли спиртдан қўшиб, пластмасса қопқоқ билан яхшилаб бекитиб қўйиб 10 кун давомида салқин ва қоронғи жойда асраб қўйинг. 10 кундан сўнг тайёр моддани докадан ўтказиб, яхшилаб шарбатини сиқиб олинг. Тайёр шарбатни яна 14 кун қоронғи ва уй-ҳароратида сақланг. Шундан сўнг даволашни бошлашингиз мумкин.

| Кунлар | Нонуштада | Тушликда | Кечки овқатда |
|---|---|---|---|
| 1-кун | 1-томчи | 2-томчи | 3-томчи |
| 2-кун | 4-томчи | 5-томчи | 6-томчи |
| 3-кун | 7-томчи | 8-томчи | 9-томчи |
| 4-кун | 10-томчи | 11-томчи | 12-томчи |
| 5-кун | 13-томчи | 14-томчи | 15-томчи |
| 6-кун | 15-томчи | 14-томчи | 13-томчи |
| 7-кун | 12-томчи | 11-томчи | 10-томчи |
| 8-кун | 9-томчи | 8-томчи | 7-томчи |
| 9-кун | 6-томчи | 5-томчи | 4-томчи |
| 10-кун | 3-томчи | 2-томчи | 1-томчи |
| 11-кун | 25-томчи | 25-томчи | 25-томчи |

(Ушбу материал кўпчилик мухлисларимиз талаб-таклифларига асосан такроран чоп этилмоқда).

### ДАВОЛАНИШ ТАРТИБИ ҚУЙИДАГИЧА:

Стаканнинг тўртдан бир қисмига совуқ сут қуясиз-да устига тайёр малҳамдан ҳар куни овқатдан 30 дақиқа олдин қуйидагича схемада кўрсатилганидек томчилаб қўшиб ичасиз.

Бу даволаниш усулидан яна 6 йилдан сўнг фойдаланиш тавсия этилади.

Даволаниш усулининг хусусияти шундаки, 10 кун ичида организмни ёғлардан, тузлардан тозалайди. Модда алмашинуви дарҳол яхшиланади. Юрак-қон томирлари майинлашиб, чўзилувчанлик хусусияти яхшиланади. Склероз, стенокардия, инфаркт, фалаж ва ҳар хил шишларнинг пайдо бўлишидан сақлайди. Кўриш қобилиятини яхшилайди. Юқоридаги схемага қатъий амал қилсангиз организмингиз соғломлашиб, танангиз ёшаради.

# Билиб қўйган яхши






(Боши ўтган сонларда)

**Мураббо**

...ачий бошласа ҳар бир кг. мураббога яна 200 гр.дан шакар қўшиб қайтадан қайнатиб олинг. Қайнаш пайтида чиққан кўпигини олиб ташланг. Қайта қайнатилган мураббодан ҳар хил пишириқларни тайёрлашда бемалол фойдаланса бўлади.

**Кийимингизни**

...тез қуритмоқчи бўлсангиз, уни ювиб бўлганингиздан сўнг пахмоқ сочиқнинг орасига қўйиб, яхшилаб сувини сиқинг. Кейин ёйиб қўйсангиз тезда қурийди.

**Картошкани**

...арчмасдан қайнатаётганингизда сувига тухумни ҳам солиб юборишингиз мумкин. Тухумни роппа-роса 12 дақиқадан сўнг чиқариб олинг.

**Ваннахона**

...эшигини вақти-вақти билан сиркали сувда ҳўлланган юмшоқ латта билан артиб турсангиз, буғланишдан ҳўл бўлган жойларида доғлар пайдо бўлмайди.

**Духовканинг**

...ичи доимо тоза бўлиши учун спиртли сув ва совун билан ювиб туринг.

**Музлатгичда**

...муз қатлами йиғилиб қолмаслиги учун қар гал тозалаётганда глицерин аралаштирилган сувдан ҳосил бўлган бир бўлак муз парчаси билан деворларини артиб қўйинг. Глицерин ва сув тенг миқдорда олинади.

**Дераза**

...эшик ойналари, шиша ва биллур идишлар ярқираб туриши учун уларни тозалаб ювиб бўлганингиздан сўнг сиркали сувда ҳўлланган юмшоқ латта билан артиб қўйинг.



**Ёғочдан**

...бўлган ва бўялмаган дераза токчаларини олдин спирт билан, сўнг ёш болаларнинг танасига суриш учун мўлжалланган ёғ билан артиб қўйиш кифоя.

**Оҳакловчи**

...шётка ишлатилганидан сўнг қуриб, туклари қотиб қолмаслиги учун, тозалаб ювгач сочни чайқаш ва майинлаштириш учун мўлжалланган аралашма билан чайиб қўйинг

**Кафель**

...доимо тоза ва ярқираб туриши учун шампунда вақти-вақти билан ювиб, сўнг тоза сув билан ювинг.

**Термос**

...ёки кофе қайнатиладиган идишлар узоқ вақт ишлатилмай турса, ўзидан нохуш ҳид чиқаради. Ҳидини кетказиш учун идиш ичига бир бўлак қанд солиб қўйиш кифоя.

**Паркет**

...полдаги доғни қумқоғоз билан қириб ташлаб, устидан намланган юмшоқ латта билан артиб олинг.

**Қувурлар**

...ҳар хил чиқиндилардан тиқилиб қолмаслиги учун вақти-вақти билан уларни туз солинган қайноқ сув билан тозалаб туринг.

**Янги супурги**

...тез тўзиб қолмасин десангиз, бир неча соат давомида шўр сувга солиб қўйиб, сўнг ишлатинг.

**Дераза**

...ойналарини тозалаш учун мослашган махсус замш матони қаттиқланиб қолмасин десангиз ишлатилгандан сўнг ювиб қуритгач оғзи маҳкам бекитиладиган банкага солиб қўйинг.

**Пар**

...ёстиқ юмшоқ бўлиши учун унинг бир четини озгина очиб, соч қуритишга мўлжалланган феннинг совуқ шамол пуркашидан фойдаланиб шишириб олсангиз кифоя.

**Чангни**

...ҳар хил лакланган жиҳозлардан артиб олиш учун қуйидагича эритма тайёрлаб шу эритмага ботирилган нам ва юмшоқ латтадан фойдаланинг.

1 ош қошиқ шампунь ва 8 ош қошиқ сув билан эритма тайёрланади.

**Линолеумни**

...илиқ сув, совун билан тозалаш мумкин. Доғларни эса ароқ билан артса бўлади, фақат ранги кетиб қолмаслиги учун секинроқ ишқалаш керак.

**МАХСУС МАСЛАҲАТ**

Ранги хиралашган тилла буюмлар яна ялтираб, тоза бўлиши учун кечаси бир стакан пивога солиб қўйинг ва эрталаб юмшоқ латта билан артиб олинг.



**Хромланган**

...буюмларингиз яна янгидек бўлиб сизга хизмат кўрсатиши учун уларни сутга солиб чайиб оласиз-да, юмшоқ латта билан яхшилаб артасиз.

**Пўлатдан**

...бўлган пичоқ, санчқи (вилка) ва бошқа буюмларни хом картошка билан, сўнг қоғоз билан артиб, сувда чайиб оласиз.

**Никелланган**

...буюмларни тозалашда жунли матолардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун бир парча жунли матони новшадил спиртига ботириб олиб, никелланган буюмларни яхшилаб артиб чиқасиз.

**Мельхиорли**

...қошиқ, санчқи (вилка) ва бошқа буюмларни тухум қайнатилган сувга солиб қўйиб, совигунча кутасиз-да, сўнг чайиб олиб қуруқ ва тоза латта билан яхшилаб артиб қўйсангиз янгидек ялтирайди.

**Кумушдан**

...бўлган идиш-товоқ, қошиқ, санчқи (вилка), пичоқ ва бошқа буюмларни тиш ювиш пасталари ёрдамида тозалаш мумкин. Бунда айниқса кукун ёки бўтқа шаклидаги тиш ювиш воситалари айниқса қўл келади. Ювиш воситасига озроқ новшадил спирт қўшиб юборсангиз ҳам айни муддао.

**Биллур**

...идишларни фақат совуқ сувга озроқ спирт қўшиб тозалаш тавсия этилади. Бунда бир литр сувга 1 ош қошиқ спирт қўшилади.

**Кастрюлканинг**

...остига овқат ёпишиб қолиб, ювиш қийинлашса, ичига 1 литр сувга 2 ош қошиқ ош содаси солиб қайнатиш лозим.

**Товалар**

...ёғ ва оловда қорайган бўлса каттароқ тоғорага солиб усти беркитилгунча сув қуйиб, сўнг унга сода ва кир ювиш кукунидан қўшиб 2 соат давомида қайнатсангиз топ-тоза бўлади.

**Дазмолнинг**



...остида доғлар пайдо бўлса бир варақ қоғоз устига майда тузни ёйиб иссиқ, дазмолни шу тузга ишқалаш керак.

**Шиша**

...гулдонлар хиралашса туз ва сиркали сув солиб қўйиб, бир неча дақиқадан сўнг чайиб ташласангиз топ-тоза бўлади.

**Рўзғорда ишлатиладиган**

...пичоқларни кир ва занглардан тозалаш учун уларни яхшилаб ўткирлаб, сўнг тузли сувда чайиб, қуруқ латта билан артиб қўйиш керак.

**Сув қайнатиладиган**

...човгумларнинг ичида пайдо бўлган қуйқаларни тозалаш учун, унга лимоннинг пўстини солиб 10 дақиқа қайнатиш тавсия этилади.

**Қирғич**

...кирланган бўлса ювишдан аввал унда хом картошкани қириб, кейин ёғоч қипиқлари билан тозаласа бўлади.

**Алюмин**

...кастрюлкани тозалаш учун карам барглари ва ёғоч қипиқларидан, шунингдек кир совундан фойдаланиш мумкин.

**МАХСУС МАСЛАҲАТ**

...кийимингиз ёки бирор буюмингиз яхши дазмолланиши учун крахмалланаётган пайтида озроқ кир совундан қўшиб юбориш керак.



**Чумоли**

...ва бошқа майда ҳашаротлар гулларнинг, айниқса атир гулларнинг ширасига ўч бўлишади. Гулларни бу ҳашаротлардан асрашнинг энг яхши йўли уларнинг орасига лаванда ўсимлигини ўтказиб қўйсангиз ҳашаротлар ўз-ўзидан йўқолиб кетишади.

**Ёғочларда**

...пайдо бўладиган майда ҳашаротлардан қутулиш учун икки ҳафта давомида ёғочдан бўлган буюмларнинг сиртқи қисмини пиёзни иккига бўлиб, унинг мағзи билан артиб чиқинг.

**Мевалар**

...устида пайдо бўладиган кичик-кичик хира пашшачалардан қутулишнинг энг осон йўли меваларни ювиб идишга солиб қўйганингиздан сўнг унинг ёнига бир дона чинни гул қўйинг. Ана шунда пашшачалар меванинг ёнига йўллашмайди.

**Пиёз**

...чиқиндилари, ёнғоқ пўчоғи полизда экинлар орасида пайдо бўладиган ҳашаротлардан қутулишда энг яхши воситадир. Бунинг учун пиёз пўсти ва ёнғоқ пўчоқларини бир идишга солиб яхшилаб қайнатиш, совигандан сўнг сувини экинлар устига сепиб чиқиш керак.

**Пашшалар**

...ёз кунлари чақавериб жонингизга тегиб кетади. Уларни уйга кириб кетмасликларининг ягона чораси дераза ёнида помидор кўкатларини ўстиришдир.

**Каналардан**

...қутулиш учун қичитқи ўтини қийнатиб, совигач кана босган жойларга сепиш керак. 1 кг. қичитқи ўти 10 литр сувда қайнатилади.

**Чивинлардан**

...қутулишнинг осон йўли ҳовлининг бир неча жойига гугуртнинг ёнадиган қисмларини кўмиб қўйсангиз, ундан тараладиган ҳид чивинларни қочиради.

**Шиша бутилканинг**

...ҳар қандай ҳидини йўқотиш учун унга бир ош қошиқ қуруқ хантал (горчица) солиб устидан иссиқ сув қуйиб қаттиқ чайқанг. Сўнгра эса тоза сувда чайинг.

**Уй чивинларидан**

...қутулиш учун хонанинг бир неча жойига цитрус мевалари пўчоқларини ёки чинни гулнинг новдаларини қўйиб қўйиш керак.

**Сувараклардан**

...қутулиш учун шакар билан бор кислотасини аралаштириб, шу аралашмани ошхонанинг ҳар жой-ҳар жойига қўйиб қўйиш лозим.

**Китобларни**

...ҳар хил ҳашаротлардан асраш учун вақти-вақти билан уларнинг устки қисмини кир совун солинган сувда ювилган тоза латтани сиқиб, шу латта билан артиб қўйиш керак.

**Балиқнинг**

...товадаги нохуш ҳидини йўқотиш учун уни қуюқ чой билан ювинг.

**МАХСУС МАСЛАҲАТ**

Хонада, гултувакларда ўстирилаётган гуллар ичида ҳар хил ҳашаротлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун, вақти-вақти билан шалфей - мавракни1 литр сувда қайнатиб ва шу сувни гулга қуйиш керак.

(Давоми бор)

**Л. АҲМЕДОВА тайёрлади.**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 540. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 18762
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА.
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ.